O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 12-yanvar, chorshanba ● № 2 (703) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ЗЎР БЎЛГАНДАН КЎРА БИРИНЧИ БЎЛИШ МУҲИМ

Бепул нашрни ўқувчига етказиб бериш ҳам бошқа турдаги матбуотдан тубдан фарқ қилади. Биринчидан унда обуна усулидан умуман фойдаланилмайди.



⇨ 4-бет

БОШ МАҚСАД — ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

Ҳомиладор аёлларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиши касалликларни эрта аниқлаш ва даволашда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун бу масалага алоҳида эътибор беряпмиз.



⇨ 6-бет

АВЛОДЛАР ЗИММАСИДАГИ ТАЪРИФ

Китобхонлик халқимизга хос фазилат. Яхши китоб бўлса, ўқувчиси, албатта, топилади. Инсонда танлаш ва излаш ҳисси бор экан, китобхонлик давом этаверади.



⇨ 7-бет

ҲАРБИЙЛИК — ФИДОЙИЛИКДИР

Ҳар гал тинч осмон остида, Ватанимизнинг муқаддас рамзларидан бири — шонли байроғимизни ўпиб, Ватанга қасамёд қилган ҳарбийларимизнинг ўзларига хос хатти-ҳаракатларини кузатганимда, қалбимга ажиб бир туйғулар қуйила бошлайди.

Қасамёд бу — ота-онага, мунис ва дилбар сингилларга, суюкли ёрга, она Ватанга хиёнат қилмаслик, уларни ёт унсурлардан, ташқи тажовузлардан кўз қорачўғи каби асраш учун ичилган йигитлик онтидир!

Кечагина бу ҳарбийлар кимнингдир суюкли фарзанди, кимнингдир баҳодир акаси ё укаси эди. Бугун эса, уларнинг ҳимоясига отланган, зарур бўлса, жонини ҳам фидо қилишга тайёр Ватан аскарларидир.

Ана, улар мамлакатимиз пойтахтидаги "Ватанга қасамёд" монументи ёнида қиличдай қоматларини тик тутиб сафларда туришибди. Кўриб, қалбимиз қувончдан, фахрдан тўлқинланиб боряпти. Билаклари тўла куч, вужудидан ғайрат-шижоат ёғилиб турган ҳарбийларимиз — баркамоллик сари дадил интилаётган ёш авлод бурчга содиқлик, Ватанга хизмат қилиш, ҳарбий деган номга доғ туширмасликка тантанали сўз бердилар.

Шу дам улар ўзлари билан елкама-елка турган сафдошларининг эгнидаги ҳарбийлик либосига бир назар ташлашларини истадим.

Бир хил кийим, бир хил ҳарбий тартиб-интизом, ягона эзгу мақсад йўлида бу ерда жам бўлган ўғлонлар бугундан бошлаб сафдош, жанговар дўст ҳисобланади. Жанговар дўстлик эса қон-қариндошлик ришталари каби мустаҳкамдир.





Ҳарбийлик қоидаси — фидойиликдир!

Аскарларимиз ҳарбий бурчларини ўташ жараёнида тунларни бедор ўтказадилар, режалаштирилган ҳарбий машғулотларни сабр-тоқат билан ўзлаштирадилар. Ватан сархадлари осойишталиги, тинчлиги ўзларининг зиммасида эканлигини жон-диллари билан ҳис этиб, ҳарбийлик бурчларини сидқидилдан бажаришга аҳд қиладилар. Ҳа, ҳарбийлик туйғуси шундай.

Ҳақиқатан ҳам улар борлиги учун, Ватанимиз сарҳадларида бедорлиги учун бешикдаги фарзандларимиз осуда ухлашади. Улар ҳушёрлиги учун юртимиз осмони тинч, халқимиз турмуши фаровон, тўю тантаналар кўп.

Мунис сингилларимиз ҳарир тўй либосларида гўшангаларга, жуфти ҳалолларининг ёнига бош эгиб киради. Уларнинг қалбларида ҳарбийларимизга бор овозлари билан ҳайқириб айтишга арзийдиган "Токи сизлар борсизлар, биз тинчмиз!" деган самимий туйғулар бир маромда, ҳар дақиқада уфуриб туради.

Гарчи замондошларининг шундай ҳайқириқларини эшитмасалар-да, қалбан англаб турган аскарларимизнинг халқ хизматига отланган биринчи куниданоқ, муҳтарам Президентимиз такрор ва такрор таъкидлаганларидек, "**Мен ҳеч кимдан кам эмасман ва кам ҳам бўлмайман**", деб ўз-ўзларига тантанали сўз бериб турганларини ҳис этиб турибмиз. Чунки, улар чинакам етук жанговар аскар бўлиб етишишлари учун яратилган улкан имкониятларга эга.

Дунё ҳамжамиятида ўзининг миллий қадриятлари, урф-одатлари, ҳамкорлик, тинчлик ва осойишталик тамойиллари билан танилган Ўзбекистон Республикасининг аскарларидир!

Улардан юксак ҳарбий билим, мукаммал техник малака, мустаҳкам интизом ва бурчга содиқлик талаб қилинади, холос. Шу дам ҳарбийларимизнинг бўй-бастларига, ақл-заковатларига қараб, мамнуният билан ана шу талабларни юксак даражада бажаришига амин бўласан киши.

Шу унутилмас дамларда ишонч билан айтиш мумкинки, Ватанимиз сарҳадлари ишончли қўлларда! Уларга она Ватан олдидаги жанговар бурчларини шараф билан ўташда халқимизнинг дуоси куч-қудрат бағишлайди.

Эминжон ХАЙРУЛЛАЕВ,
подполковник,
«Жасорат» медали соҳиби

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2010"

танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ҳаётимиз китобидан яна бир саҳифа ортда қолди. 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди. Юртимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодиётни модернизация қилиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилди. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, давр талабига мос интеллектуал билим ва касбга эга замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган салмоқли ва хайрли ишлар қилинди.

Халқимизнинг эришаётган бу ютуқлари, олижаноб мақсад ва саъй-ҳаракатларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти – 2010" танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2010 йилнинг 1 июнидан 2011 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2010" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти – 2010" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар

Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
e-mail: ijod@sarkor.uz

✓ 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбикорлик йили

МЕҲНАТИМИЗ САМАРАСИ — ДАСТУРХОНИМИЗ КЎРКИ

Тўкин дастурхоннинг шоҳона таоми — балиқни ким хуш кўрмайди, дейсиз? Барча бирдек севиб истеъмол қиладиган бу маҳсулотнинг луқмаи ҳалол, деб аталиши бежиз эмас. Қолаверса, хушхўр балиқ гўшти жуда кўп шифобахш хусусиятларга ҳам эга.









Дўкон пештахталарида хом балиқ билан бирга, дудланган, чиройли ва бежирим идишларда қадоқланган балиқ консерва маҳсулотлари доимо харидоргир бўлишининг сабаби ҳам шунда. Бинобарин, тиббиёт нуқтаи назаридан ҳар бир киши йилига ўртача 12 килограмм балиқ маҳсулотларини истеъмол қилиши лозим экан. Балиқнинг қимматли ва фойдали хусусиятлари борлиги эса соҳага янада кўпроқ эътибор қаратишни, маҳсулот сифати ва миқдорини оширишни тақозо этади. Хўш, мамлакатимизда ушбу масалалар ечимини ҳал этиш ишлари қай даражада бормоқда? Аҳолини балиқ маҳсулоти билан таъминлаш борасидаги фаолият қамрови қандай? Балиқчиликни йўлга қўйиш учун нималарга эътибор қаратиш керак? Шу каби қатор саволларга жавоб излаш асносида соҳага доир яна кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлдик.

Эътироф этиш керак, юртимизда балиқчилик тармоғи ривожига алоҳида эътибор қаратилаётир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳани ривожлантиришда муҳим асос бўлмоқда.

2 »

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

Куни кеча “Ватанга қасамёд” монументи ёнидан ўтаётиб, қалбим орзиқиш, ҳаяжонга тўлди. Муддатли ҳарбий хизматда ўтган дамларни ёдга олдим. Поезд ойнасидан юртимизнинг олис-олис гўзал гўшаларини кузатиб, поёнсиз орзулар оғушида кетгандим, ўшанда...



ЮРТ БАЙРОҒИН БОШИ УЗРА ТУТАР МАРД ЎҒЛОН!

Вагондан тушиб, перронга қадам қўйган чоғ оркестр садолари жўрлигида жанговар аскарлик ҳаёти сари илк қадамларни ташлаган эдим. Эгнимга биринчи маротаба ҳарбий либос кийиб, Ватан хизматига шайланганимда эса жўшиб кетгандим. Ҳарбий қасамёд қабул қилганимдан сўнг қалбимда ўзгача туйғулар пайдо бўла бошлади. Ўшанда Ватан туйғусини кенг маънода англадим.

Хўш, Ватан туйғуси нима, у қачон ва қаердан бошланади?

Билишимча, янги туғилган чақалоқ ўпкасига илк бора кирган ҳаво орқали Ватан нафаси, меҳру муҳаббати, ҳаёт шавқи кирса ажаб эмас. Ўша пайтдан бошлаб мурғак вужудида тобора ёйила бошлаган ҳаво сингари Ватан туйғуси борлиғингни қамраб олади.

Уч-турт яшар бола учун Ватан бу — она, Ватан бу — ота, қадрдон уйи. Онасини қучоқлайди. Отасига эркаланади. Биров уларнинг шаънига ёмон гапириб кўрсин-чи, дарҳол қўлчаларига бирор нарса олиб, ота-онаси ҳимоясига отланади.

Шу пайт хаёлимда олис чегарада турган аскар ўғлон сиймоси жонланди. У саратоннинг жазирамаси-ю қаҳратоннинг қорли кунларида ҳам туну кун тиним билмай йигитлик шаънини, ота-онаси омонлигини, элининг тинчлигини асрашга ўзини чоғлаган. Бу ишдан у ҳузур топади, фахрланади.

“Ватан” сўзини эшитганимда халқимизнинг миллий қаҳрамони Широқ ҳақидаги ҳикоя жонланади. Кафтларимни қулоқларимга елпана қилиб, ўша о-л-и-с чўллардан унинг овозини эшитгандек бўламан. У менга: “Ватан менинг руҳимда яшаяпти” дегандек бўлаверади.

Ватаннинг хушҳаво тоғлари ҳам, гўзал боғлари ҳам бизники. Бир кафт тупроғидан тортиб, тоғдаги гиёҳигача, тупроқ кўчаларидан то бошдаги офтобигача, ҳамма-ҳаммаси ўзимизники. Ватаннинг ҳатто битта қуриган дарахтини Бобилнинг боғларига-да, алмашиб бўлмайди. Ватан туйғуси жуда кенг тушунча, унинг сарҳадлари кўнгил осмонидек бепоёндир.

...Ҳарбий хизматда кечган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Кунларнинг бирида хизматдошларим бир газета кўтариб келди. Аскарлар ҳаёти ҳақида ёзган илк мақолам чиққан экан. Уни қайта-қайта ўқийману, кўзларимга ишонмайман. Шу-шу, журналистикага бўлган меҳрим тобора ортиб бораверди.

Хизматни тамомлаб, қисм қумондонлигидан тавсиянома олганимда укали бўлиб бобосидан суюнчи олган боладек қувонгандим. Ота-онам ҳузурига чоғландим. Сўнг Ўзбекистон Миллий университетига ўқишга кирдим.

Том маънода айта оламанки, армия Менинг тақдиримни белгилади. Ҳарбий хизмат бурчимни ўтаб қайтган бўлсам-да, энди унинг ҳимоясида сўзларим билан туришга чоғландим.

Мана, хизмат хотираларини титкилаб, лавҳанинг сўнгги сатрларини қоғозга туширдим. Бир неча соатдан сўнг эса Ватанга қасамёд қилишга чоғланаётган аскар монументи ёнидан яна ўтаман. Шундай аскарлар сафида бўла олганимдан фахрланаман.

Юрт байроғини кафтида тутиб, Ватан пойига тиз чўкаётган бу навқирон аскар ўғлонга шундай мисраларни илинаман:

Улғайдинг шу тупроқ бағрида,
Кўҳна юрт қадрини бил ўғлон!
Алпқомат йигитлик даврида,
Ватанга қасамёд қил, ўғлон!

Ой балққан ҳар тунинг осуда,
Қуёшинг манглайда, эй ўғлон!
Юлдузли байроғинг остида
Ватанга қасамёд қил, ўғлон!

Бобосин бошида кўтарган,
Шундай эл дуосин ол, ўғлон!
Кўксида буюклар кўкарган
Ватанга қасамёд қил, ўғлон!

Омонлик истайди бу очун,
Тинчликни елканга ил, ўғлон!
Широқнинг руҳини поклаш чун
Ватанга қасамёд қил, ўғлон!

Навқирон келажак бошингда,
Бахтингдан айлансин эл, ўғлон!
Дуогўй онанг ҳам қошингда,
Ватанга қасамёд қил, ўғлон!

Халқимга қасамёд қилдим мен,
Эл мени ардоқлаб дер: “Ўғлон!”
Издошим, муносиб иним сен,
Ватанга қасамёд қил, ўғлон!

Фозил ФАРҲОД ўғли

Тадбир

Меҳр тошни эритар

Мутафаккир ота-боболаримиз бежиз фарзанд тарбияси масаласига қайта-қайта мурожаат этишмаган. Сабаби келажак деган муҳташам қаср бунёдкорлари айнан ёшлардир. Ватан равнақи ва миллат тақдири уларнинг қайси фазилатлар дастидан тутиши ва ким бўлиб улғайишларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшлар таълим-тарбиясига, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Бош қомусимизда ҳам ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги мажбурияти алоҳида кўрсатилди, давлат ва жамият васийларидан маҳрум бўлган ва ота-онасиз қолган болаларга ғамхўрликни ўз зиммасига олиши қайд этилиб, оналик ва болалик давлат муҳофазасида экани белгилаб қўйилди. 1992 йили Ўзбекистон “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги халқаро Конвенцияга қўшилди. Қолаверса, сўнгги йилларда бу борада қатор Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда ўтган йилнинг 29 сентябрида қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда ўтган йилларнинг “Соғлом авлод йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинишида ҳам ёш авлод тарбияси борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Ушбу мақсад йўлида қабул қилинган Давлат дастурлари навқирон авлодга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш ва ёшлар ҳаётидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалаларини тўла қамраб олди, десак адашмаймиз.

Албатта, беш қўл баробар бўлмаганидек, болалар ҳам бир хил эмас. Бу, аввало, улар тарбия топаётган оиладаги муҳитга боғлиқ. Агар ота-онанинг хулқи ҳаминқадар бўлса, фарзанд ҳам дилозор бўлиб улғаяди. Болаларнинг таълим-тарбиясига бўлган эътиборсизлик охир-оқибат уларни нотўғри йўлларга, ҳатто жиноят кўчасига бошлаши мумкин. Аслида, бундай болаларни тўғри йўлга тушиб олишлари учун озгина меҳр, эътибор кифоя қилади.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимияти, Ички ишлар бош бошқармаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги бир қанча мактаб ва касб-ҳунар коллежларида шу мақсадда семинар-тренинглар ўтказилди. Унда тарбияси оғир, жиноятга қўл урган жами 1154 нафар ўғил-қиз иштирок этди.

Мазкур тадбирларга масъул давлат органлари, прокуратура ходимлари, мутасадди ташкилотлар вакилларидан ташқари спорт, театр, кино ҳамда эстрада юлдузлари ташриф буюргани болаларнинг ҳаётларида ижобий ўзгаришлар ясаганига шубҳа йўқ. Семинар-тренинглар якунлангач, барча болалар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштириб, уйларига унутилмас таассуротлар билан қайтишди.

Иномжон АБДИЕВ

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Турли йўл-транспорт ҳодисалари олдини олиш, кўча ва чорраҳаларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, бу ишларга жамоатчиликни кенг жалб қилиш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан 2010 йилнинг 15 декабридан 2011 йилнинг 15 январига қадар республика ҳудудида “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги” тадбири ўтказилмоқда.

Республика Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ҳамда матбуот ходимлари билан биргаликда “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги”га бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи Азиз Эрназаров бошқарди.

Матбуот анжуманида таъкидлангандек, ойлик бошлангандан кейинги давр мобайнида 108 та транспорт воситалари ойналари тусини ўзгартириш ва қорайтириш, 5210 та белгиланган тезликни ошириш, 826 та қувиб ўтиш, 310 та транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Тошкент шаҳар бўйлаб зарур жойларга 183 та йўл белгиси ўрнатилди ва 77 таси янгисига алмаштирилди.

Пойтахтимизда амалга оширилган ишлар натижасига кўра, 2010 йилда 2009 йилга нисбатан йўл-транспорт ҳодисаси 7 мартага камайган.

Анжуман қизғин баҳс-мунозара ва савол-жавоблар тарзида ўтди.

Темур ИСЛОМОВ

МЕҲНАТИМИЗ САМАРАСИ — ДАСТУРХОНИМИЗ КЎРКИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Бундан ташқари, 2009-2011 йилларда балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури ижроси юзасидан олиб борилган сайъҳаракатлар туфайли тизимда ўсиш суръати тобора ошиб бораётир. Хусусан, ҳозирда юртимизда 381,9 гектар майдонда балиқчилик хўжаликлари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 370,2 минг гектари табиий, 11,7 минг гектари сунъий сув ҳавзаларидан иборат. Мавжуд 958 та балиқчилик фермер хўжалиги томонидан 2010 йилда 10732,5 тонна балиқ аҳолига етказиб берилди. Жиззах ва Навоий вилоятларидаги балиқчилик хўжаликлари эса 964 тоннадан зиёд балиқ ва балиқ маҳсулотларини хорижий мамлакатларга экспорт қилди.

Ўзбекистон Балиқчиликни ривожлантириш илмий тадқиқот марказида соҳа ривожи йўлида самарали изланишлар олиб бориляпти. Шу билан бирга, марказнинг балиқчилик фермер хўжаликлари билан ўзаро ҳамкорлиги кенгаймоқда.

— Марказда татбиқ этилаётган лойиҳаларда тармоқнинг озуқа базасини ривожлантириш, янги технологияларни жорий этиш, балиқларнинг янги турларини иқлимга мослаштириш ва бу борада малакали кадрларни қайта тайёрлаш, балиқчилик фермер хўжаликларига илмий-амалий кўмак бериш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш каби масалалар қамраб олинган, — дейди марказнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Илёс Халпаев. — Бир сўз билан айтганда, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш ва уларни амалга ошириш фаолиятимиз асосини ташкил этади. Масалан, биргина балиқларнинг янги турларини иқлимга мослаштириш бўйича олиб борилган изланишлар туфайли Минтақавий балиқ урчитиш шўъба корхонасида карп зотига тегишли 200, оқ дўнгпешона зотли 300, оқ амур зотига тегишли 200, чипор дўнгпешона зотига тегишли 50 та насл берувчи балиқ тўдалари яратилди. Улардан личинкалар олиниб, фермер хўжаликларига етказиб берилди.

Балиқ турларини кўпайтириш мақсадида 2009 йилда Россиядан 1500 дона 5 граммлик осётр балиғи чавоқлари келтирилиб, насл берадиган балиқлар тўдасини шакллантириш бўйича марказнинг Янгийўл туманидаги тажриба станциясида иқлимлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳозирда уларнинг вазни 500 граммдан ошди.

Маълумки, қулай ва замонавий техниканинг соҳа ривожида аҳамияти катта. Шундан келиб чиқиб, балиқчилик хўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Самарқанддаги "Стеклопласт" заводида балиқ етиштиришга мўлжалланган бассейнлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тошкентдаги "Технолог" ва Самарқанддаги "Исузу" корхоналари билан ҳамкорликда "Тирик балиқ" махсус автомашинасининг синов нусхаси яратилди.

Маҳаллий балиқларни интенсив равишда етиштиришда сунъий озуқа — яъни омухта емнинг сифати ва ундаги оқсил моддасининг тўйимлилиги алоҳида ўрин тутади. Балиқчилик хўжаликларининг ана шундай озуқага талабини қондириш мақсадида Чиноздаги балиқларга омухта ем ишлаб чиқариш заводининг асосий воситалари таъмирланиб, тўлиқ қувватда ишлашга имконият яратилди. Ҳозир бу ерда гранулланган махсус балиқ еми тайёрланаяпти.

Балиқлар озуқаланиши бўйича уч турга бўлинади: фитопланктон — ўсимликлар билан, зоопланктон — майда жониворлар билан, йиртқич, яъни ўзидан кучсиз, кичик балиқлар билан озиқланадиган балиқлар. Шуни ҳисобга олган ҳолда фитопланктон ва зоопланктон балиқлар битта ҳовузда, йиртқич балиқлар эса алоҳида ҳовузда етиштирилади. Сунъий шароитда балиқ урчитиш ниҳоятда кўп меҳнат талаб қилади. Чунки эндигина ҳаёт бошлаган чавоқларнинг касалликларга чалиниш эҳтимоли катта. Шу боис, ҳовузлар вақти-вақти билан керакли дорилар билан ишлов берилади, тозаланади, ўсимликларнинг ўсишига алоҳида эътибор қаратилади. Агар ўсимликлар, масалан, қамиш жуда ўсиб кетса, сув юзини тўсиб қўйиш билан бирга, сув таркибидаги зарур минерал моддаларни ҳам сўриб олади. Бунинг олдини олиш учун вақти-вақти билан ортиқча ўсимликлар ўриб олинади.

Балиқчилик — тор доирадаги соҳа. Аммо уни йўлга қўйиш учун етарли даражада билим ва кўникма керак. Самарадорликни ошириш эса мураккаб жараён. Негаки, балиқ — нозик жонзот, унинг парвариши алоҳида меҳнат талаб этади. Шу сабабли, дастлабки иш оддий балиқлар парваришидан бошланса, бу яхши натижа беради. Марказ иш бошлаганларнинг оёққа туриб олиши учун кўмаклашади. Майда балиқ чавоқлари билан таъминлайди. Бизнинг шароитда асосан зоғора ва дўнгпешона балиқлари кўпроқ етиштирилади. Шу мақсадда 10-15 гектардан 3000 гектаргача бўлган майдонларда сунъий ҳавзалар барпо этилган.

Балиқ увилдириқлари личинка, 3 кунлик, 2 ҳафталик, 1 ойлик, ёзги ва 1 йиллик каби турларга бўлинади. Личинканинг май-июнь ойларида олингани ёзги майда балиқлар дейилади. Ўзбекистон шароитида маҳсулот икки йил ичида бозорга чиқариш учун тайёр бўлади. Россия, Қозоғистонда эса бунинг учун 3-4 йил сарфланади. Бу юртимизда балиқ етиштириш учун иқлим ва шароит мўътадил эканлигидан далолат беради.

Маҳсулот етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришиш, соҳа истиқболини белгилайди. Шунингдек, бу борада аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳам муҳим ўрин тутади. Жумладан, ўтган йили тармоқда 600 нафардан зиёд киши иш билан таъминлангани сўзимиз тасдиғидир.

Шу ўринда режаларимиз ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу йил балиқ ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Умуман олганда, балиқчилик хусусий секторга таянади. Унинг юксалиши юртимиз иқтисодиёти тараққиётини белгилайди. Шу нуқтаи назардан, соҳада моддий-техник базани мустаҳкамлаш, инфратузилмани ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинди. Демак, ҳамма соҳалар каби балиқчиликда ҳам кенг имкониятлар йили бўлади. Шубҳасиз, балиқчилик янада сердаромад, сербарака тармоққа айланади. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, "... ҳозирги вақтда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосан савдо-сотиқ, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кўпроқ ривож топмоқда."

Шу маънода айтганда, юртимиз табиати, саховатли замини мўлкўлчилик манбаидир. Ундан унумли ва оқилона фойдаланилса, мавжуд имкониятлар ўз ўрнида қўлланилса, билим ҳамда кўникмалар шакллантирилса, албатта, кўзланган мақсадга эришилади. Зеро, балиқчилик ва уни тараққий эттириш орқали дастурхонларимиз тўкин бўлади, аҳоли фаровонлиги таъминланади.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
“Hurriyat” мухбири

Бугуннинг нафаси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Амударё туманида йилига 250 тонна қуруқ пиллани қайта ишловчи «Aziya silk» Вьетнам шўъба корхонаси фойдаланишга топширилди. Корхонага 290 минг АҚШ доллари қийматига тенг энг замонавий жиҳозлар ўрнатилган.

Айни пайтда бу ерда хизмат қилаётган 51 нафар йигит-қиз «Хоразм ипаги» МЧЖда ҳамда Наманган вилоятидаги «Golden silk» корхонасида иш ўрганиб қайтишди. Ҳозирда улар ипакдан турли хил тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Мирзо Улуғбек тумани “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ватанпарвар” ташкилоти кенгаши, халқ таълими бўлими ҳамда Ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида “Азамат йигитлар” кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди. Унда иштирок этган 16 та мактабнинг 8- ва 9-синф ўқувчилари саломлашиш, сафда юриш ва ҳарбий қўшиқ куйлаш ва Қуролли Кучлар ҳақида савол-жавоблар ҳамда бошқа бир қатор қизиқарли шартлар бўйича беллашишди.

Ғолиблар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

АНДИЖОН. Шаҳрихон туманидаги Ҳақиқат қишлоғида 300 миллион сўм эвазига нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилмоқда. Катта салоҳиятга эга мазкур корхона Наврўз байрами арафасида ишга туширилади.

ФАРҒОНА. Вилоятда тадбиркорлик кенг қулоч ёзмоқда. Хусусан, Учкўприк туманидаги «Катта Қашқар» маҳалласининг ўзида 910 та хонадон томорқасида лимонарий иссиқхоналари мавжуд. Сўх туманида эса тадбиркорликнинг бошқа турига қизиқиш ниҳоятда юқори. Сарибозорча қишлоғида истиқомат қилувчи тадбиркор Ҳикматжон Мирзабеков яқинда колбаса ишлаб чиқариш цехини очди. Айни пайтда корхона туман аҳолисига 10 турдан зиёд сифатли маҳсулот тайёрлаб бермоқда.

САМАРҚАНД. Қўшрабод тумани Заркент шаҳарчасидаги кончилар маданият саройида таниқли ижодкорлар иштирокида адабиёт байрами бўлиб ўтди. Тадбир якунида кончилар бадиий жамоаси томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

ЖИЗЗАХ. “Олмазор” деҳқон бозори ҳудудида вилоят “Ҳунарманд” уюшмаси учун махсус ер ажратилди. Бу ерда ҳунармандлар расталарини бунёд этишга киришилди. Бунинг учун 300 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Мазкур иншоот жорий йилда фойдаланишга топширилади.

СИРДАРЁ. Гулистон давлат университетида бўлиб ўтган “Камолот” — келажак таянчи” фаоллар мактаби машғулотларида уч босқичли тест синовларида ғолиб бўлган 55 нафар талаба қатнашди. Машғулотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессорлари томонидан ўқилган маърузалар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан бўлган мулоқотлар талабаларда катта таассурот қолдирди.

ХОРАЗМ. Янгиариқ туманидаги кичик бизнес вакиллари ва хусусий талбиркорлар аҳолига савдо маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари тармоқларини тобора кенгайтиряптилар. Яқинда «Тўмарис» хусусий корхонаси автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш шохобчаларини ишга туширди. Натижада ўнлаб янги иш ўринлари яратилди.

ҚАШҚАДАРЁ. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2010 йил 21 декабрдаги V қурултойи делегатларининг республика аҳолисига мурожаати Қашқадарё вилоятида ижобий кутиб олинди. Муборак газни қайта ишлаш заводида меҳнат қилаётган 2727 нафар ишчи хизматчилар мурожаатга жавобан 42 минг 40 дона мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экишни режалаштирдилар. Китоб тумани ҳудудида эса 50 гектарлик, Муборак туманидаги Бекки Саидов хўжалиги ҳудудида 5 гектарлик янги боғлар яратилди.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Қанча билсак, шунча оз

ҚОНУН ТАКОМИЛИ ЙЎЛИДА

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда мустақиллик йилларида қилинган ишларга таҳлилий назар ташлаш, барча соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар самарасига баҳо бериш билан бир қаторда мамлакат ривожининг кейинги, янги поғонасига қадам қўйилгани таъкидланган. Мазкур маърузани салкам 20 йил илгари бошланган тараққиёт жараёнларини изчил давом эттириш бўйича узоқ муддатли аниқ ҳаракатлар дастури деб аташ мумкин. Тарихан жуда қисқа давр мобайнида Ўзбекистонни дунё ҳамжамияти тан олган, ривожланган иғор мамлакатлар сафига етаклаётган ўз тараққиёт йўли — «Ўзбек модели» айни ҳақиқатдир. Президентимизнинг «... Бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, авваломбор эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш хавфидир... биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт», дея айтган фикрлари жуда муҳим аҳамиятга эга.

Эътиборлиси шундаки, жамиятни ривожлантириш Концепцияси худди ана шу талабдан келиб чиқиб таклиф қилинди. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси, ҳар бир онгли кишиси бугунгача қўлга киритган барча ютуқларимизни шу талаб даражасида таҳлил қилишга, шу талаб асосида келгусида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, жамиятни янада тараққий топган янги поғонага кўтаришга даъват этилди.

Маърузада таъкидланганидек, мустақилликнинг ортда қолаётган дастлабки йигирма йили мамлакатимизда очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро талаб даражасида таъминлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йиллари бўлди. Биргина қонун ижодкорлигига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда янги қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этишнинг энг ривожланган тизими яратилди. Мустақиллик йилларида фақат иқтисодиётни ислоҳ қилишга йўналтирилган 400дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Шу билан бирга давлат ҳокимияти ва бошқарув, суд-ҳуқуқ тизими, сайлов қонунчилигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида қатор қонунлар қабул қилинди. Уларнинг барчаси мамлакатни ривожлантириш, аҳоли эркинлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишга хизмат қиляпти.

Бўлғуси ҳуқуқшунос сифатида маърузада суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасидаги таҳлиллар ҳамда таклифларга алоҳида эътибор билан қарадим. Жумладан, амалдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш, судга қадар иш юритувчи босқичида қўлланиладиган чораларни (ЎзЖПКнинг 29-31-бобларига ўзгартиш) фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш, биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқишни фақат прокурор зиммасига юклаш (ЎзЖПКнинг 439-моддасига ўзгартиш киритиш), «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексни янги таҳрирда қабул қилиш тўғрисидаги қатор таклифлар, айтиш жоизки, бугунги куннинг айни талабидир. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳаёт ривожланиб борар экан, қонунлар, қонуности ҳужжатлари ҳам такомиллашиб бориши шарт. Ишончим комилки, суд-ҳуқуқ соҳасида илгари сурилаётган таклифлар келгусида тизимдаги қонунларнинг янада мукаммал бўлишига хизмат қилади.

Абдуманнон АЛЛОНОВ,
Тошкент давлат юридик институти талабаси

Энг қулай усул

Бугунги кунда мулкчилик шаклидан қатъи назар, деярли барча идора ва муассасалар ўз молиявий ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиши одатий ҳолга айланиб бормоқда. Негаки, молиявий ҳисобот топширишнинг бу шакли қатор афзалликларга эга. Солиқ инспекцияларига электрон кўринишда ҳисоботлар тақдим этилиши эвазига ортиқча расмиятчиликка барҳам берилиб, оворагарчиликларга йўл қўйилмайди. Хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерларининг вақтлари тежалади. Шу туфайли электрон ҳисобот тизимини янада такомиллаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришда қўлланиладиган «БЭМ — бухгалтерга электрон мадад» дастурини амалиётда жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Эътиборлиси, ходимларимиз томонидан электрон ҳисобот афзаликлари кенг тарғиб этилаётгани туфайли бу янги тизимдан фойдаланувчилар сони ортиб боряпти. Ҳозиргача 2638дан зиёд хўжалик юритувчи субъект ўз молиявий ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этаётгани сўзимиз тасдиғидир. Қолаверса, мутахассисларимиз мазкур усулни янада кенгроқ тарғиб этиш мақсадида солиқ тўловчилар иштирокида турли семинар ва учрашувлар ўтказишмоқда.

Асқар АҲРОРОВ,
Сирғали тумани ДСИ бўлими бошлиғи

Фармон ва ижро

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ мамлакатимизда 2015 йилнинг охиригача паспортлаштиришнинг биометрик тизимига тўлиқ ўтилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори Абдусаттор МАТКАРИМОВ *ЎзА мухбирига умумэътироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган ушбу тизимнинг афзалликлари, янги ҳужжатларни расмийлаштириш ва янги паспорт бериш жараёни қандай тартибда амалга оширилиши ҳақида сўзлаб берди.*

БИОМЕТРИК ПАСПОРТ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА УНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

— Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти — бу мамлакатимиз ҳудудида ва ташқарисида унинг эгасининг фуқаролиги ва шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади, — дейди А.Маткаримов. — Ҳар бир инсон учун бундай паспортга эга бўлиш ва мустақил Ватанининг фуқароси ҳисобланиш катта шарафдир. Ушбу ҳужжат фуқаронинг ўз мамлакати, халқи тақдирига дахлдорлигининг рамзий ифодаси бўлиб, у давлат ҳимоясида эканини кафолатлайди ва зиммасига Ўзбекистон Республикаси фуқароси деган юксак номга муносиб бўлишдек улкан масъулият юклайди.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади ва ўзининг барча халқаро мажбуриятларига риоя қилиб келмоқда. 1944 йилда қабул қилинган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги резолюциясига мувофиқ ушбу ташкилот таркибига кирувчи давлатларга эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида ахборот жамланган электрон чип ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар жорий этилишини таъминлаш тавсия этилган.

— Биометрик паспортларни жорий қилишдан қандай мақсадлар кўзланган?

— Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш, ушбу транспорт тури хизматларидан фойдаланувчи йўловчилар учун имкон қадар қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилмоқда.

Айни пайтда юздан ортиқ мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ халқаро стандарт ва талабларга жавоб берадиган бундай ҳужжатларни жорий этиш борасида тизимли ҳамда изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларининг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Уларда биометрик паспорт ва ҳужжатларни бериш билан боғлиқ барча жараёнлар кўзда тутилган.

— Биометрик паспортнинг амалдаги паспортдан фарқи нимада?

— Биометрик паспорт одатдаги барча маълумотлардан ташқари, унинг эгаси ҳақида шахсий биографик маълумотлар, рақамли фотосурат ҳамда бармоқлар излари туширилган биометрик параметрларни ўз ичига олган электрон ахборотга эга бўлади. Бундай чипга уч турдаги ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжати эга бўлиши белгиланди. Халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган уч турдаги ушбу электрон ҳужжатларнинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, улар юқори даражада ҳимояланган бўлиб, чегарадан ўтишда улардан фойдаланиш қулайдир. Уларни қўллаш эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжатларини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибини янада такомиллаштиришга кўмаклашади.

— Амалдаги паспортларни биометрик паспортларга алмаштириш қандай муддатларда амалга оширилади?

— Паспортлар икки босқичда алмаштирилади. Биринчи босқич — 2011 йил мобайнида биометрик паспорт мамлакатимиз вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқароларга, 2012-2015 йилгача бўлган иккинчи босқичда эса қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига берилади.

— Давлат персоналлаштириш марказининг вазифалари нималардан иборат?

— Марказ давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган фармонига мувофиқ биометрик паспортларни марказлаштирилган ҳолда тайёрлаш, уларни ҳисобга олиш ва бундай ҳужжат билан фуқароларни ўз вақтида таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомда қайд этилганидек, персоналлаштириш — бу паспорт бланкига унинг эгаси ҳақидаги биографик маълумотларни ва биометрик параметрларни киритиш демакдир. Марказимиз уч турдаги электрон ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатларини персоналлаштиради.

Янги паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжатларининг бланкалари "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади, марказимизда персоналлаштирилади ва ўз эгаларига ҳужжатларни йиғиш пунктларида, яъни ички ишлар органларининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларида топширилади.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки, биометрик паспорт мамлакатимизда белгиланган тартибда босқичма-босқич жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалдаги паспорти эса 2015 йил охиригача ҳақиқий ҳисобланади.

ЎзА мухбири
А.ИВАНОВА ёзиб олди

Лукма

Тунов куни хизмат тақозоси билан Хоразм вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли Таълим марказига бордим. Марказнинг бош услубчиси Зуҳра Рўзиматова билан мулоқотимиз одамларимизнинг маънавий савияси ҳақида кечди.

Телефонсиз... «малика»

Зуҳрахон ёшларни илм нуридан баҳраманд қиладиган, вилоятдаги барча билим даргоҳлари фаолиятини бир мақсадга йўналтирадиган катта бир ташкилотда кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келади. У том маънода маънавият ва маърифат маскани маликаси. Фаолияти ҳам серқирра — шеърлари, долзарб мавзудаги мақолалари вилоят, республика газеталарида мунтазам чоп этиб турилади.

Таълим марказида ёшларга илм-фан сирларини чуқур ўргатишнинг мақбул усуллари чоп этилган қўлланмалар, шу мавзудаги китоблар, газета ва журналларга тартиб берилган. Бу ерда Республика Халқ таълими вазирлиги муассислигида чоп қилинадиган газета ва журналлардан ташқари, кўпгина вақтли матбуот нашрларини ҳам ўқиш мумкин.

Суҳбатимиз сўнггида Зуҳрахонга сим қоқиб туриш, баъзи бир нарсаларни факс орқали жўнатиш ниятим борлигини айтиб, телефон рақамини сўрадим. У эса негадир ноқулай ҳолатга тушиб қолди. Кейин ийманибгина:

— Афсуски, Таълим марказига хизмат телефони ўрнатилмаган, — деди. — Бундан бир неча йил муқаддам юқоридан келган комиссия аъзолари ҳам "Ахир, шундай масканда телефон бўлмаслиги мумкин эмас, ёшуллиларга айтиб, бу масалани ҳал қилиб берамиз", дейишганди...

Демак, эътиборсизлик чегарасига етибди-да, дегим келди-ю, кўнглига олмасин, деб индамадим.

Мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган, соҳага доир давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга муваффақият билан татбиқ этилаётган бўлса-ю, соҳадаги ишларга масъул ходим телефонсиз... ишлаб ўтирса-я?! Яна денг, ахборот технологиялари тараққий этган шундай замонда!

Қизиқ, бу ҳолдан вилоят халқ таълим бошқармаси раҳбарлари, биринчи галда унинг бошлиғи Эргаш Худойназаров бохабармикан?

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Ташаббус

Янги боғлар яратилмоқда

Юртимизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида янгидан-янги боғ-роғлар, узумзорлар барпо этилмоқда.



Ана шу ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V қурултойи қатнашчилари хайрли ташаббус билан чиқдилар. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланадиган жорий йилда ҳар бир касаба уюшма фаоли 20 тупдан кўчат экишга келишиб олинди.

— Бу билан юртимиз боғ-роғларининг кўпайишига, ҳар бир ҳудуднинг янада кўркам ва обод бўлишига эришамиз, — дейди Федерация кенгаши қошида ташкил этилган мувофиқлаштирувчи штаб раҳбари, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Тўлқин Тешабоев. — Ўз навбатида, бу ташаббус ёшларимиз онгида ватанпарварлик, бунёдкорлик туйғуларини юксалтириш билан бирга уларни табиатга янада яқинлаштиради. Шунингдек, элимиз дастурхони тўкинлиги, атроф-муҳит тозалигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Эътироф этиш лозимки, шу кунгача вилоятларда ҳокимликлар ва касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорлигида боғ ва токзорлар ташкил этиш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Жумладан, Сирдарё вилоятидаги қатор корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан 62980 дона кўчат экиш белгилаб олиниб, Боёвут туманида "Таълим ходимлари", Сирдарё туманида "Тиббиёт ходимлари" боғларини ташкил этишга киришилди. Қиш фасли бўлишига қарамай баҳорги экин мавсумига тайёргарликлар кўриб қўйилган. 4929 гектар боғ майдонларида эса ҳайдаш, суғориш, маҳаллий ўғит солиш, ҳашаротларга қарши дорилаш ва мавжуд дарахтларга шакл бериш юмушлари зўр уюшқоқлик билан амалга оширилди.

Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманида 1233 гектар боғларга ишлов берилиб, маҳаллий ўғит билан суғоришга тайёр қилиб қўйилди. Бўстонлиқ туманида айни кунгача 300 гектардан зиёд янги боғлар ташкил этилди. Шунингдек, вилоятнинг Пискент, Чиноз, Оққўрғон, Оҳангарон ва Қибрай туманларида ҳам ушбу йўналишдаги ишлар кўнгилдагидек олиб бориляпти.

Эътиборли жиҳати, касаба уюшма фаоллари экилган ниҳолларнинг униб-ўсишини, парвариш қилинишини ҳам назоратга олишган.

Сирасини айтганда, касаба уюшмаларининг ушбу ташаббуси республикамизнинг барча ҳудудларида хайрихоҳлик билан кутиб олиниб, кенг қулоч ёзмоқда. Зотан, бу эзгу ишлар юртимизга янада тўкин-сочинлик, қутбарака келтиради, ободликни, фаровонликни таъминлашга хизмат қилади.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
ЎзКУФК матбуот котиби

«ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК!»

Маънавияти бутун ёшлар — юртимиз таянчи, эртамиз эгалари, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг чинакам давомчиларидир. Ёш авлодни Ватан истиқболи учун фидойилик руҳида тарбиялаш, уларни эзгу мақсад атрофида бирлаштириш йўлида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам ўз ўрни бор.

Ҳозирги кунда Ҳаракатнинг диёримиздаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда тўрт мингга яқин бошланғич ташкилоти бўлиб, охирги уч ой мобайнида уларнинг сони қарийб беш юзтага кўпайди. Унга аъзо ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК ҳамкорлигида "Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!" шиори остида республика анжумани бўлиб ўтди. Тадбирнинг очилиш маросими Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат-қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг турли ҳудудларидаги йирик корхоналарда фаолият юритаётган юздан ортиқ ёшлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Шунингдек, "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонаси, "Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш" заводи ҳамда "Марказий темирйўлчилар музейи"да ўтказилган тадбирлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Бундан ташқари, маънавий-маърифий учрашувлар анжуманнинг янада қизғин кечишига сабаб бўлди. Жумладан, Гуанжоуда ўтказилган XVI Осиё ўйинлари ғолиблари билан уюштирилган суҳбатлар, қолаверса, эстрада юлдузлари иштирокидаги байрам тадбирлари ёшларнинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолса, ажаб эмас.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47;
факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: pao@post.uz

Ҳамкасб

Адҳам Ҳайит деганда...

... улкан актёр, эл таниган шоир, катта-катта китоблар ёзган адиб ёки машҳур ҳофиз кўз олдингизга келмаслиги табиий, ҳатто кечагина саҳна кўрган хонандачалик таниқли эмас. Аммо, уни "Зарафшон" газетаси муштарийлари яхши билишади, танийди. Кунда-кунора газета саҳифаларига кўрк бериб турган лавҳа, очерк ва публицистик мақолалари билан газетхонлар дилига кириб борган оддий, балки мамлакатимиздаги юзлаб қалам соҳибларидан биттасидир. Масаланинг уқиб олиш керак бўлган жойи ҳам шунда.

Хаммамизда десам, кўнгли нозик дўстларнинг пешонаси тиришар, аммо аксариятимизда кечириш ҳам, тузатиш ҳам қийин бўлган бир қусур бор: ёнимизда камсуқумгина бўлиб юрган биродарларга ҳадеганда эътибор беравермаймиз. Ундайлар узангидош дўстимиз, елкадош оғамиз, сирдош бовуримиз бўлса, янаям лоқайдроқ назар билан қарашга ўрганиб қолганмиз негадир. "Ҳа, юриптида-да, чориғини судраб" деб кўямиз, тамом-вассалом.

Узоққа бориш на ҳожат, мана — ўзим. Эллик йилдан бери танийман, биламан, дўстман Адҳам Ҳайит билан. Бир синфда ўқидик, бирга ўйнадик, бирга кулдик, битта мактабни тамомладик, битта касбни танладик, бир вақтда мақола ёзишни бошладик, бир вақтда газетга ишга кирдик, бир вақтда оила қурдик, рафиқаларимиз ҳам бир жойнинг — Каттақўрғоннинг қизлари бўлиб чиқди — борди-келдимиз оилавий тусга кирди; учта-учтадан ўғил-қиз кўрдик, уларни тарбиялаб вояга етказдик ва ҳозирга қадар ҳам бир соҳада — оммавий ахборот воситалари дейилмиш жабҳада хизмат қиляпмиз. Ўйлаб кўрилсин-кўрилмасин, шунчалик яқин кишилар бир-бирларини бешқўлдай билиши ва қадрлаши зарур. Адҳамни-ку, билмадим, аммо мен ҳали-ҳануз унга ёшликдаги бир жўра, деган беэътибор назарда юрар эканман. Яъники, ундаги касбга меҳр, изланувчанлик, сабр-тоқат, дўстларга садоқат сингари қатор-қатор ибратли фазилатлар, ҳавасли хислатларни кўрмагандай... Шу хатони фаҳмлаб кўп изтироб чекдим, афсусландим.

Афсусланиш баробарида олис-олисларда қолиб кетган беғубор болалик, мактаб, танаффусда шовқин-сурон билан тўп тепишлар... ва газетда биринчи хабару лавҳалар чиққанда қизларга ўзимизни кўз-кўз қилиб талтайишлар, бетимсол қувончлар эсимга тушди.

Қаранг, шунақаси ҳам бўлар экан-да, бир синфда ўқийдиган ўқувчиларнинг ярми бир вақтда мухбирликка ҳавас қўйса! Искандар Боймуродов, Қуддус Асқаров, Тўхта Жуманова, Раҳимберди Исомиддинов, Абдуназар Йўлдошев... камина ҳам шулар қаторида.

Хуллас, гоҳ туман, гоҳ вилоят, гоҳ республика газеталарида биттамизнинг хабарми, лавҳами, ишқилиб, бир нимамиз чиқиб туради. Отасини танимай қолади ўша куни мақола муаллифи. Бизга ҳаваси келганлар беҳисоб. Мактабимиз қошидаги тўгаракка туман газетасида ишлайдиган, мақолаю шеърлари чиқиб турадиган обрўли-обрўли кишилар тез-тез келиб биз — ёш қаламкашлар билан учрашади, суҳбатлашади, йўл-йўриқлар кўрсатади.

Бир куни Эргаш Мажидов келди. Бу кишини кўрмаган эсак-да, номи таниш эди. Унинг туман газетида маданият бўлими бошлиғи, шоир ва ёзувчилигидан ҳам бохабар эдик. Чунки, газетга ёзиб юборган, лекин дунё кўрмай "жон" берган мақолаларимизнинг ҳаммасига шу кишининг имзоси билан жавоб келарди-да! Эргаш Мажидов ўртадан пастроқ бўйли, заҳарроқ одам экан. У киши ҳаммамизни бир синфга тўплаб, мажлис қилди. Бошида бир-икки мухбирни изланувчан, ёзганлари пишиқ-пухта каби сўзлар билан мақтади. Сўнгра бир олди, бир олди-ки, номлари зикр этилганлар учун сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди-ёв! Гап шундаки, мухбирлар ичида кўчирмакашлари ҳам бор экан. Мажидов аямади, бетингда кўзинг борми демади, ҳали ёш, хатосини тушунади, ўзини тузатиб олади, тўғри йўлга тушиб кетади, деб силамади. Очиқ-ойдин қилиб: "Бундай болалардан икки дунёда мухбир чиқмайди! Плагиатор — ўғри, муттаҳам дейди бундақаларни! Мухбирнинг иши игна билан қудуқ ковлашдан қийин эканини билмаган, енгил-елпи йўллар билан шуҳрат қозонаман деганларнинг бу соҳага қадам босишга ҳаққи йўқ!", — деди қатъий. "Қолган гапни, — деди сўзини тамомлаб, — газетда айтаман. Яқинда чиқади, ўқийсилар."

Ўқидик.

Бир боплабди, бир боплабдики, ҳар сўз эмас, ҳар битта ҳарфни қалампирга ботириб-ботириб олган дейсиз!

Энди, орадан салкам 45-50 йиллар ўтганидан кейин, дўппини ерга қўйиб мулоҳаза қилсам, бир талай талантли журналистлар авлодининг шаклланишида, айнан Эргаш Мажидов каби Нарзулла Файзиев, Эргаш Ғуломов, Малла Мамадаминов, Раҳмон Жўраев, Муродилла Янгибоев, Файзи Ҳайдаров сингари туман газетаси бўлмиш ҳозирги "Ургут садоси"да ишлайдиган ходимларнинг хизматлари беқиёс бўлган экан.

Адҳам Ҳайит ўрта бўй, бошини олдинга ташлаб юрганда миқти елкалари бўртиброқ кўринадиган, оч-сариқ юзли, камгап, оғир-вазмин бир индамас ўспирин эди ўша пайтларда. У ўқишни давом эттириш мақсадида бизнинг қишлоқдаги 37-мактабга келгунга қадар, яъни саккизинчигача — бошланғич таълимни Кенагас қишлоғидаги 38-мактабда, 6-дан 8-синфгача Самарқанд шаҳридаги 1-интернат-мактабида ўқиган. Улар уч ўртоқ эдилар: Адҳам билан Муҳаммаджон Қаландаров Равот қишлоғидан, Исоқжон Неъматов Кенагасдан...

Бадиа

Исоқжон билан Муҳаммаджон мисоли эски қадрдонлар каби тез аралашиб-қуралашиб кетди. Ўзларига яраша қув, шўх ва ўтолов эди икковиям. Аммо Адҳам... Тўғри, уям ҳамиша болалар билан бирга ўқийди, бирга ўйнайди; ўқишлари яхши, тартиб-интизоми жойида, кийимлари тоза-озода; фақат тортинчоқ деймизми, одамовироқми, ийманчакми, ишқилиб, анчагача келганини биров сезди, биров йўқ.

Адҳамнинг "тепса тебранмас"лиги шунчалар эдики, одамзотнинг етмиш икки томири ловуллаб кетадиган футболда ҳам бақир-чақир қилмас, қизишиб-тутишмас, ўпкаси оғзига тиқилиб ҳуда-беҳуда чопмас, рақиб дарвозаси яқинида тимирскиланиб юрарди-да, тўп тегиши билан оёғида қаноти бордай учиб кетар, лекин, ҳатто, "гол!" урганидаям шунчаки, илжайиб қўяр — синини бузмасди. Пахтага чиққанда эса бошини кўтармай тергани-терган. Синфда ҳам биров билан иши йўқ, аммо математика, физика, химия деган, менга ўхшаганлар учун ғирт кераксиз ва бошоғриқ ҳисобланган фанлардан ҳам "аъло" оларди. Энг ҳайратли жойи яна шунда эдики, газетада мақоласи чиққанида ҳам миқ этиб бировга мақтанмасди. Ҳайронлар қолар эдим бу "тош бола"га. Ўзингиз айтинг, газетада мақоласи чиққан одам ҳам ҳайкалдай беҳаяжон ўтириши мумкинми? Айтмоқчи, унинг мухбирлигиниям анчадан кейин, Эргаш Мажидов ўтказган ҳалиги мажлисдан кейин билиб қолганмиз. Тўғри, унгачаям "А.Ҳайитов" деган имзо билан кўриниб қолади-ган хабарларни ўқиб турардик туман газетида. Бироқ, ўша мухбир писмиқ синфдошимиз эканига ишонгимиз келмас, бошқа одам бўлса керак, деб ўйлардик. Ахир, мухбир дегани ўзини бошқачароқ тутмаса, газетани кўз-кўз қилиб ғўдаймаса... Индамай юришидан ҳар хил хаёлга бориб: "Каттазанг бу бодичанинг кокилини қайчилаб, эсини киритиб қўяйлик", дегувчилар ҳам бўлган. Камгаплик, билиб-билиб ишини қилиш фазилати унга отамерос эканини эса орадан анча-мунча сувлар оқиб, оқ-қорани таний бошлаганимиздан сўнг фаҳмладик.

Адҳамнинг отаси — Ҳайит Искандаров замонанинг маърифатли, ўқимишли кишиларидан эди.

Ота-бола тақдиридаги яна бир ўхшашликни айтай: Искандар Ҳайитов умр бўйи бир жойда, битта идорада чўт қоққан, Адҳам ҳам "бисмилло" деб ишга кирган кундан то бугунга қадар битта жамоада ҳозирги — "Зарафшон" газетасида меҳнат қилиб келяпти. Шунинг салкам ўттиз йили эса битта вазифада — масъул котиблик столида ўтаётир. Камина ўн йил "Тонг юлдузи", тўрт йил "Шарқ юлдузи", жами ўн тўрт йил шу вазифа "чанг"ини ютиб, иссиқ-совуғини татиб кўрган собиқ котиб сифатида ҳеч иккиланмай дейманки, бу нуқта — у газетдир, журналдир — шу ижодий жамоанинг юраги. Агар ўша жамоа газет бўладиган бўлса, газетанинг жами ташвишу муаммолари аввало шу ерда йиғилади, шу ерда муҳокама қилинади, чоратадбирлар изланади ва ҳал этилади; материаллар сараланади, таҳлил қилинади, саҳифаланади, сўнгра баайни юракдаги қон инсон вужудига тириклик бағишлаганидек газетанинг янги сони дунёга келади. «Масъул котиб дегани, — дер эди узоқ йиллар мазкур вазифани аъло даражада бажарган Эркин Хўжаев. — "Отангни онангга бепардоз кўрсатма" дегандай, ҳар саҳифа, ҳар мақола, ҳар битта фотосуратнинг "қошу кўзи"га ўн марталаб "ўсма-сурма" қўяди. Сарлавҳаларга, ҳарфларга маҳоратли рассомга ўхшаб безак беради, мақолаларни қайта-қайта ўқийди, имло-хатоларни текширади, камчиликларга... боши билан жавоб беради!". Чиндан ҳам бу жойда ўтирган одам учун иш вақтининг чегараси йўқ — эрталабдан ярим тунгача ишхонада қолиб кетишлар оддий ҳол. Сафар-саёҳатларга боролмайсан, кўл-оёғинг боғлиқ — ҳамиша жойингда бўлишинг, жамоадаги об-ҳавони билиб туришинг, мамлакатда ва жаҳонда содир бўлаётган воқеалардан бехабар қолмаслигинг, сиёсатнинг нозик нуқталарини тушунишинг, воқеалар орасидан муҳимларини ажрата билишинг... Шунинг учун ҳам унчамунча одамнинг ўтиргиси келмайди; газетага, гезетчиликка жонини бергиси келмайдиган одам чиқа олмайди бу аравага. Эртаю кеч қадалиб ўтиришдан кўра, тинчгина ўз тирикчилиги билан шуғулланишни минг карра афзал кўради.

Адҳам Ҳайит ўттиз йилдан буён ана шу касбни ардоқлаб, улуғлаб, бошига кўтариб келяпти. "Зарафшон" мазмун-моҳияти, техник ва бадиий безалиши билан республика газеталари орасида алоҳида нуфузга эга бўлиб келаётгани, республика кўрик-танловларида иштирок этиб, бир неча марта совринли ўринларга сазовор бўлганида ҳам ишини пухта билган, газетанинг ўқимишли ва ранг-баранг чиқиши учун ҳар сатрига кўз нурини тўкиб келаётган жўрамиз Адҳам Ҳайитнинг хизмати кам эмас.

Ҳа, ибрат олса олгулик бошқа фазилатлар ҳам кам эмас унда. Мисол учун — камтарлик. Биласиз, кўриб юрибсиз, отга минса эмас, ҳатто мингашиб қолса туққанини танимай қоладиганлар бор.

Адҳам Ҳайит эса ўттиз йилдан бери ўзгармайди — бир зайл. Кеккайиш теракка ярашиши, камтарлик катта давлат эканини, инсонни кўкларга кўтариши, камолга етказиши унга аён. Одамзот ҳалол меҳнати билангина муродига етиши, обрў қозониши ва меҳнатдан кўра қувончлироқ нарса дунёда йўқлиги; емоқнинг қусмоғи борлиги, очкўз лочин тирноғидан айрилиб қолиши мумкинлиги, сабрли одамларгина мақсадга етажагини ҳам яхши билади. Шу боис, кеккаймайди, ишдан қочмайди, амалдорман деб қўлини кистага солиб юрмайди, бола-чақа уйқуга кетгандан кейин ёзади, ёзмаслик, ёзолмаслик ижодкор учун ўлим билан баробар эканини англаб, ҳис қилиб яшайди. Давр ва истиқлол ғоялари, мустақиллик неъматларини улуғловчи очерк ва таҳлилий мақолалар билан бирга "Ҳаётнома", "Бобоқул Имомовни хотирлаб", "Мен юрган йўллар", "Камтарликдан улуғлик излаб", "Синфдошлар" деган китоблари шу тариқа — оқшомлардан узиб олинган уйқу ҳисобидан дунёга келди. Покиза меҳнати учун Мустақилликнинг 10 йиллиги кўкрак нишони, "Шуҳрат" медали билан мукофотланди, Матбуот ва оммавий — ахборот воситалари куни муносабати билан Президентимизнинг совғаси берилди. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган "Самарқанд — Шарқ гавҳари" танловида фахрли иккинчи ўрин соҳиби бўлди.

* * *

Адҳам Ҳайит деганда... эслайдиган, айтмаса бўлмайдиган вақеалар, гаплар, фикрлар ҳали кўп. Қолганларини, Худо хоҳласа, тўй куни эшитарсиз...

Абдусаид КЎЧИМОВ

Хушхабар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини, биринчи галда, матбуот ва матбаа тармоқларини замонавий ахборот техника ва технологиялари билан жиҳозлаш йўлида сезиларли натижаларга эришмоқдамиз», деган сўзлари нафақат кўпгина марказий нашрлар, айни пайтда вилоятлардаги телерадиокомпанияларнинг сифати ва замонавий қурилишларига нисбатан берилган таъриф, десак айни ҳақиқатдир.

Навоий телерадиоси янги бинода

Йилдан-йилга янги кўриниш, янгича қулайликлар билан элга хизмат қилиб келаётган Навоий вилоят телерадиокомпанияси ҳам ўтган «Баркамол авлод йили»да барча талабларга жавоб берадиган янги бинога эга бўлди. Махсус лойиҳа асосида тикланган кўркам икки қаватли янги иморатга кўчиб ўтиш катта шодиёнага айланиб кетди. Вилоят телерадио журналистлари, телеоператорлар, монтажчи ва техник ходимлар Янги йил базмини ана шу бинода нишонладилар. Замонавий қиёфада қад ростлаган муҳташам бинодаги 50 га яқин хоналар сўнгги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган ва интернет тармоғига уланган. Компьютерларнинг локал тармоққа уланиши натижасида электрон ҳужжат алмашинуви яхши йўлга қўйилди, монтаж жараёнидаги ортиқча оворагарчиликлар барҳам топди. Бундан ташқари, телерадиокомпаниянинг янги биносидан вилоят радиотелевизион узатиш марказигача бўлган масофада оптик кабелнинг ётқизилиши олис йўлни яқин қилди. Асосийси, тасвир ва эфир сифатининг ошиши таъминлади. Бу эса ахборотни тезкорлик билан олиш ва узатиш имкониятини яратди. Шу боис баралла айтиш мумкинки, Навоий вилояти телевидениеси ҳаётида янги давр бошланди.

— Дарҳақиқат, кўпдан кутган орзуимиз ушалди, — дейди вилоят телерадиокомпанияси директори Темур Эшбоев, — Эндиликда телерадио журналистларимиз, оператор ва эфирга узатувчиларимиз барча қулайликларга эга бўлган 2 та телестудия, 2 та радиостудия ва ток шоу, интеллектуал ўйинлар, байрам тадбирларини тўғридан-тўғри эфирга узатиш имконига эга бўлган битта катта телестудия хизматидан фойдаланишмоқда. Айни пайтда кунига 12 соат теледастур ва 1,5 соат радио эшиттиришларни эфирга узатяпмиз. Йил охиригача кўрсатувлар ҳажмини суткасига 18 соатга, 2012 йилдан эса 24 соатга етказишни мақсад қилганмиз.

Муҳташам бино асосан ҳомийлар ёрдамида қуриб битказилди. Уни бунёд этишда «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамияти, вилоят Марказий банк бошқармаси, «Навоийавтойўл» ҳудудий йўлдан фойдаланиш давлат ташкилоти, «Навоийтелеком» вилоят филиали ва бошқа кўплаб корхоналар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди. Бино қурилиши учун ҳомийларнинг қарийиб 1 миллиард сўмлик маблағи сарфланди.

Ёркул УМАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Навоий вилоят бўлими раиси

Жаҳон тажрибаси

ЗЎР БЎЛГАНДАН КЎРА БИРИНЧИ БЎЛИШ МУҲИМ

Оддатда бирор газета ёки журналда чоп этилган мақола ёки янгиликлар билан танишиш учун уларни матбуот тарқатувчи шохобчалардан харид қилишга тўғри келади. Баъзида бунга имкон топамиз, баъзида эса йўқ. Бу каби сотиб олинадиган матбуотни пулли матбуот дейиш мумкин. Демак, одамлар ахборотни пулга сотиб оладилар. Шу ўринда савол туғилади: уни бепул ҳам олиш мумкинми? Дунё матбуоти равнақи бепул ахборот олиш мумкинлигини исботламоқда. Айрим давлатлар тажрибасида кузатилаётган бепул матбуот тизими аллақачон оммалашиб улгурган. Хўш, унинг мақсад ва вазифаси анъанавий матбуотдан нимаси билан фарқланади?

Бугунги кунда бепул матбуотга даромад манбаи сифатида қараётганлар ҳам йўқ эмас.

Бир қарашда ҳар иккала матбуотнинг ҳам вазифаси ахборот тарқатишдан иборат деб ўйлаш мумкин. Бироқ улар қай турдаги ахборотни қандай тарқатиш жиҳатидангина фарқланади. Ҳеч қандай маблағ сарфламай ахборотга эга бўлиш учун бепул тарқатилаётган газеталарни варақлаш кифоя. Бепул газеталарнинг асосий мақсади — энг сўнгги маълумотларни, хабарларни асосан соат 6 дан 10 гача, яъни инсонларнинг уйдан иш, ўқиш жойларига етиб олгунига қадар таништиришдан иборат. Шу боис унда берилаётган мақолалар қисқа, ўқилиши ва тушунилиши осон бўлган сўзлар асосида тайёрланади.

Бепул нашрлар транспортда кетаётганда осон ўқишга мўлжалланган. Қаторлар орасидаги интервал анча кенг, мақолалардаги матн кўзни чарчатмайдиган кўринишда берилишига алоҳида эътибор қаратилади. Бундай нашрларда янгилик ёки мақолалар бир бекатдан кейинги бекатгача ўқиб бўлиниши асосий мезон қилиб олинади. Газетадаги маълумотларни ўқиш учун атиги 20 дақиқа вақт ажратилса кифоя. Бепул нашрларда асосан халқаро, айни чоғда маҳаллий янгиликлар, спорт ва иқтисодиётга оид мақолалар берилади.

Бепул нашрни ўқувчига етказиб бериш ҳам бошқа турдаги матбуотдан тубдан фарқ қилади. Биринчидан унда обуна усулидан умуман фойдаланилмайди. Аксинча, газета ёки журналнинг янги сонлари таҳририятнинг махсус ходимлари томонидан уйларнинг почта қутиларига ташлаб чиқилади. Нашрнинг манзилли-мақсадли етказиб бериш усулидан ҳам кенг фойдаланилади. Бепул нашрни тайёрлаш, чоп этиш ва етказиб бериш таҳририятдан анча катта харажатни талаб қилади. Лекин бу харажат ўзини қоплайдими, деган савол туғилиши табиий?

Бепул газета етказиб бериш унда акс этган ахборот хусусияти билан белгиланади. Таҳририятнинг реклама ва эълонларни чоп этишдан оладиган даромади бу каби нашрларни тайёрлаш ва бепул етказиб бериш билан боғлиқ харажатларга етиб-ортиши характерлидир. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, газетанинг адади бир миллион нусхадан кам бўлмагандагина даромад келтира бошлар экан. Албатта, бунда нашрнинг ҳажми катта бўлиши шарт.

Демак, бепул матбуотда реклама ва эълонлар чоп этила бошлаганига анча бўлган дейиш асослидир. Буни жаҳон мамлакатларида мавжуд бепул нашрларнинг фоиз кўрсаткичи ўсаётганида ҳам кўриш мумкин. Масалан, бугун бепул нашрлар Исландияда 77, Италияда 30, Португалияда 31, Грецияда 21, Дания ва Швецияда 20, Голландияда 19, Франция, Венгрия, Швейцарияда 20 фоизни ташкил қилмоқда.

Бепул матбуот бўйича мутахассис, Амстердам университетининг доценти Питом Баккер



бу соҳада тадқиқот олиб бориб, шундай фикрларни келтиради. «Хоҳлаган жойда — Лондон ер ости йўлидами, Голландия тезюрар поездлари ёки Сеул метроларидами, хуллас, кўпгина жойларда газета ўқиётган одамларни учратасиз. Уларнинг қўлларида пулли матбуотни эмас, аксинча бепул газеталарни кўриш мумкин. Бу бепул нашрларга эҳтиёжнинг ортаётганини тасдиқлайди».

Бугунги кунда дунёнинг 35 мамлакатида бепул нашрлар мавжуд. Бу тизимнинг етакчи нашри — «Metro International»дир. Замонавий кўринишдаги мазкур кундалик газета 1995 йили Швецияда ташкил топган. «Metro International» газетасининг биринчи тиражи ер ости йўлларида ва жамоат транспортларида тарқатилган, ҳозирда уларни махсус яшикларда, ресторан ва кафеларда ҳам учратиш мумкин. Бугун унинг кундалик тиражи 7 миллион нусхани ташкил қилади. Бутун дунё газеталари ассоциациясининг аъзоси Евгений Абовнинг таъкидлашича, агар пулли матбуот учун газетани сотиш муҳим бўлса, бепул матбуот учун эса аҳоли кўп жойлашган жойлар муҳимроқдир. Фақатгина бу нашр таҳририяти учун қайси вақтда қандай ахборот бериш лозимлигини билиш, шунга қараб иш кўриш зарур. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, матбуот бозорида бепул нашрларнинг пайдо бўлиши пулли газеталар тиражининг 7 фоизга камайишига олиб келган.

Секин-аста матбуот бозорида ўзини кўрсатаётган бепул нашрлар АҚШ ва Европа каби мамлакатларда пулли матбуот билан рақобатдош сифатида қадам ташламоқда. Тадқиқотчи Эрла Уилкинсоннинг фикрига қараганда, бепул матбуотнинг тижорат модели алоҳида параметрларда ишлайди. Маркетингдаги асосий қоида — зўр бўлгандан кўра биринчи бўлиш муҳимроқдир. Бу бепул матбуотнинг ҳам шиорига айланиб улгурган.

Эътиқодхон ОТАҚУЛОВА

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ТАҚИҚЛАНИШИ МУМКИН



“Росқишлоқхўжаликназорат” Германиядан келаётган чўчқа ва товуқ гўшти сифатига назоратни кучайтирди. Чунки бу маҳсулотлар таркибида диоксин моддаси топилган.

Ташкилот матбуот котиби Алексей Алексеенконинг таъкидлашича, бу маҳсулотлар инсон саломатлигига жиддий хавф солади. Хавф шу даражада юқорики, ҳатто Германия ҳукумати мамлакатдаги 4700 та фермани ёпишга мажбур бўлди.

“Шу пайтга қадар на Германия ветеринария хизмати, на Еврокомиссия бизни расман огоҳлантирмагани ташвишга солади, — деди Алексеенко. — Бу Европа Иттифоқида ҳайвон ёки инсонга нисбатан бирор бир хавф туғилганда унга қарши курашиш бўйича тизим йўқлигини билдиради”.

Алексеенко, хавф анча катта эканини, ҳатто бу маҳсулотлар Буюк Британия ва Голландия ҳудудларига ҳам етиб борганини билдирди. Унинг айтишича, Россия ҳатто товуқ ва чўчқа гўштини Германиядан келтирилишини тақиқлаши ҳам мумкин.

ЖИНОЯТЧИНИНГ ШЕРИГИ ҚИДИРИЛМОҚДА



АҚШ полицияси томонидан Аризона штатининг Тусон шаҳрида содир этилган қонли фожиа айбдори, 22 ёшли Жареда Ли Лофнернинг шериги қидирилмоқда.

Маълумки, Лофнер якшанба куни конгрессмен Габриэль Гиффордс билан учрашув чоғида олти кишини отиб ўлдирган, шунингдек, отишмада 14 киши тан жароҳати олганди. Пима округи шерифи Кларенс Дупникнинг таъкидлашича, конгрессмен бошидан оғир жароҳат олиб, касалхонага ётқизилган. Врачлар уни операция қилишган. Гиффордснинг аҳволи оғир бўлса-да, тиббиётчилар унинг яшаб қолишига умид билдиришмоқда.

Полициядаги маълумотларга қараганда, Лофнернинг шериги 50 ёшлардаги киши. У отишмада бевосита иштирок этмаган, лекин қотилнинг шериги бўлган.

Маълумотларга қараганда, қурбон бўлганлар орасида 9 ёшли бола ва федерал судья Жон Ролл ҳам бор.

Ли Лофнерга нисбатан жиноий иш очилди. Жиноят исботланса, уни ўлим жазоси кутмоқда.

АВТОБУС ҚУЛАДИ



Гватемалада автобуснинг 50 метр чуқурга қулаб тушиши натижасида 14 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмди, 30 нафари эса турли даражада тан жароҳати олди. Ҳалокат мамлакат жанубидаги Сан Маркос департаментида содир бўлди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, автобусда ўрмонларни қайтадан тиклаш дастурини амалга ошираётган аскарлар бўлган. Автобус тормози ишламай қолгани учун чуқурга тушиб кетган.

Тирик қолган йўловчилардан бирининг айтишича, ҳайдовчи машинани жуда тез ҳайдаган. Автобусда ҳаммаси бўлиб 60 нафар йўловчи бўлган. Департамент губернатори Маркос Франсиско ҳалок бўлганлар давлат ҳисобидан дафн этилиши ва уларнинг оилаларига ёрдам кўрсатилишини айтиб ўтди.

КХДР МУЗОКАРАЛАРГА ТАЙЁР



КХДР ҳукумати Жанубий Корея ҳукуматига икки томонлама музокараларга тайёр эканлигини билдирди. Associated Press хабарида айтилишича, Тинчлик йўли билан бирлашиш қўмитасининг баёнотида шу таклиф айтилган.

Таъкидланишича, расмий Пхеньян музокаралар бошланиши учун ҳеч қандай шарт қўймаган. Бундан бир неча кун олдин ҳам КХДР олий даража учрашув ўтказиш таклифини олға сурганди, аммо расмий Сеулдан ижобий жавоб бўлмади.

Жорий йилнинг 1 январь куни Шимолий Корея расмий газеталарида ҳам икки корейс давлати можаро ядро урушига айланиб кетмаслиги учун муносабатларини яхшилаши зарурлиги ҳақида мақолалар босилди.

Эслатиб ўтамиз, Енпхендо оролидаги можародан сўнг Сеул ва Пхеньян ўртасидаги муносабатлар жуда кескинлашиб кетди.

НАМОЙИШ ЭТИШДАН БОШ ТОРТДИ



Испаниянинг энг йирик телеканали — RTVE корридо ўйинларини намойиш қилишни рад этди. Бу ҳақда Associated Press хабар тарқатди.

Телеканал раҳбарияти корридони ҳайвонларни қийнайдиган томошалар рўйхатига киритди. Расмий баёнотда айтилишича, корридо мусобақалари айни вояга етмаганлар телевизор кўраётган пайтга тўғри келади.

Испания учун анъанага айланган буқалар жанги кейинги пайтларда жамоатчилик ва давлат миқёсида катта баҳсларга сабаб бўляпти. 2010 йилнинг июлида корридо Каталонияда расмий равишда тақиқланди. Бу консерваторларда ташвиш уйғотди. Уларнинг айтишича, бошқа вилоятлар ҳам Каталониядан ўрнак олиши мумкин. Консерваторлар корридони Испаниянинг миллий бойлиги деб ҳисоблашмоқда.

Шарҳ

СИРЛИЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Қизил империя даврида одамлар нима қилиб бўлса-да, фарзандларини ҳарбий хизматга юбормасликка ҳаракат қиларди. Чунки кўплаб йигитлар ҳарбийдан чиниқиб, тобланиб қайтиш ўрнига майиб-мажруҳ бўлиб келарди. Россия матбуотини кузатсангиз, мамлакатнинг айрим ҳудудларида ҳамон ўша даврдаги ҳолат сақланиб қолганига гувоҳ бўласиз.

Узоқ Шарқ ҳарбий округидаги ҳарбий қисмларда сирли ҳолатда саккиз нафар аскар вафот этди. Уларнинг ота-оналари фарзандларини ички органларини сотиш учун атайин ўлдиришган, деган тахминни илгари суришмоқда.

Яқинда “Новая газета”да яна икки аскарнинг жасади темир тобутларда уйларига юборилгани тўғрисида мақола босилди. Газетада ёзилишича, Томск вилоятининг Колпашева қишлоғига 22 ёшли Андрей Кубаревнинг жасадини олиб келишади. У Биробиджандаги ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ва бир ойдан сўнг уйига қайтиши лозим эди. Аскар онасининг айтишича, Андрей уйига телефон қилиб, иккита уяли телефон ҳисобига 600 ва 1500 рублдан пул ўтказишини сўраган. Акс ҳолда, уни “жарима батальони” кутаётганини айтган. Онанинг таъкидлашича, шу пайтга қадар ҳам у иккита телефон учун бир ойда икки мартадан 150 рублдан пул ўтказиб турган.

Андрей онаси билан гаплашгандан кейинги кун тиббий қисм бўлимига келади ва шифокорларга соғлиғи ёмонлашганини билдиради. Орадан бир неча соат ўтгач, «тез ёрдам»ни чақиришади. Аммо «тез ёрдам» ёрдам бера олмайди. У вафот этади. Экспертиза хулосасига кўра, А.Кубарев антифриздан заҳарланган.

«Новая газета»нинг ёзишича, ўтган йилнинг сентябрь ойида яна бир сирли ўлим рўй беради. Хабаровск ўлкасининг Бикин шаҳридаги ҳарбий қисмда хизмат қилаётган бурятиялик Максим Оленниковни осилган ҳолда топишади. Бу фожиа маълум бўлгач, Аскарлар оналари қўмитаси ва Бурятия ҳукумати Узоқ Шарқ ҳарбий округи раҳбариятидан қайтадан текширув олиб боришини сўради.

Аскар оналари қўмитасидаги маълумотларга қараганда, 16 май куни армияга чақирилган Максим орадан роппа-роса бир ой ўтгач, онасига телефон қилиб 150 рубль иккита телефон карточкаси сотиб олишни илтимос қилади. Оиласидагилар телефон карточкаларини эртаси куни эрталаб сотиб олишади. Аскар уйига телефон қилганида, карточка кодларини айтишга улгуришади, сўнг телефон ўчиб қолади. Шундан кейин алоқага чиқмайди. 20 июль куни эса унинг ўзини осганлиги тўғрисида хабар келади.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Хабаровск ўлкасининг Княз Волкольнский қишлоғидаги ҳарбий қисмда Пермдан ҳарбий хизматга чақирилган 20 ёшли Андрей Сурковнинг мурдаси топилди. Терговчиларнинг айтишича, унинг баданида ҳеч қандай жароҳат аломатлари йўқ, у ўзини ўзи ўлдирган. Аскарнинг ота-онаси эса ўғли фожиадан олдин севгилисига телефон қилгани, унинг кайфияти аъло бўлганини айтишмоқда.

Маълумотларга қараганда, айнан Узоқ Шарқдаги ҳарбий қисмларда сирли равишда етти аскар ҳаётдан кўз юмган. Уларнинг мурдалари уйларига беркитиб ташланган темир тобутларда жўнатилган. Мурдани олиб борган вакиллар уни очишларига рухсат бермаганлар.

Таъкидлаш жоизки, фақат битта ҳолатда ҳарбий аскар ўлдирилгани тан олинди. 2009 йилнинг 29 июнь куни Челябинск — Биробиджан поездининг ҳожатхонасидан курганлик Александр Мажуганинг мурдаси топилади. Экспертларнинг хулосасига қараганда, аскар бош миясига теккан зарба натижасида ҳаётдан кўз юмган. Қўмондонликнинг билдиришича, бошқа барча ҳолатларда аскарлар ўз жонларига ўзлари қасд қилишган.

2003 йили Марат Бухорбоевнинг ўлимига унинг онаси Алма Бухорбоева шубҳа билдирганди. Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасига қараганда, унинг ўғли ҳам ўз жонига қасд қилган. Аммо аскарнинг онаси экспертлар хулосасига шубҳа билан қаради. Тобутни очмаслик тайинланган бўлса-да, очишга журъат этди. Текширув жараёнида аскарнинг барча ички органлари олиб қўйилгани аниқланди.

Хуллас, Алма Бухорбоева саккиз йилдан буён ўғлининг ўлими сабабини билиш, ҳақиқатни билиш учун курашмоқда. Оналарнинг айтишича, офицерлар уларнинг ўғилларини атайин ўлдиришган. Бироқ тергов буни тасдиқламаяпти. Нима бўлганда ҳам, аскарларнинг сирли ўлими тагида қандайдир сир борга ўхшайди.

ЙЎЛОВЧИ САМОЛЁТ ҲАЛОКАТИ



Эронда Боинг-727 йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Дастлабки маълумотларга қараганда, Техрондан Урме шаҳрига учиб келаётган самолёт ноқулай об-ҳаво шароити туфайли қулаган.

Ҳаво лайнери бортидаги йўловчилардан 77 нафари ҳаётдан кўз юмди. Қолганлари касалхоналарга ётқизилди.

Reuters мухбирининг таъкидлашича, АҚШ томонидан Эронга нисбатан эмбарго эълон қилингани учун Боинг самолётларига эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Шу боис, самолётларнинг кўпи учишга яроқли эмас.

КИМОШДИ САВДОСИДА СОТИЛГАН БАЛИҚ



Ҳайбатли йиртқич тунец балиғи Япониядаги Цукидзи кимошди савдо бозорида 32,49 миллион иен (396 минг АҚШ доллари)га сотилди. Бу ҳақда Би-Би-Си хабар тарқатар экан, балиқнинг оғирлиги 342 килограмм эканлигини таъкидлаб ўтган.

2001 йили ҳам 202 килограммлик тунец балиғи овланган ва у 20,2 миллион иенга сотилган эди. Шундай қилиб, балиқни қимматга сотиш бўйича янги рекорд ўрнатилди.

Балиқни Япониядаги кўплаб ресторанлар ва Гонконгдаги барлар комплекси эгаси сотиб олган.

МУДОФАА ХАРАЖАТЛАРИ ҚИСҚАРАДИ

АҚШ мудофаа вазирлиги кейинги беш йилда ҳарбий бюджетни 78 миллиард долларга қисқартиришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Пентагон раҳбари Роберт Гейтс сўзларига асосланиб Reuters хабар тарқатди.

Режага мувофиқ мудофаа идорасининг харажатлари аста-секин қисқариб боради. Бу қарор дастлабки икки йилга тегишли эмас. Масалан, 2012 йилда Вашингтон ҳарбий харажатларга 553 миллиард доллар сарфлашни мўлжаллаб турибди. Кейин эса қисқартиш бошланади. 2015-2016 йилларда ҳарбий бюджет ўзгармасдан қолади.



Бюджетнинг қисқариши туфайли маъмурий харажатлар камаяди. BBC News хабарига қараганда, 100 нафардан зиёд генераллик лавозимлари ва яна 200 та тизимда меҳнат қилаётган фуқаролик лавозимлари қисқаради. Шунингдек, ўзини оқламаган бир неча мудафаа дастурларидан ҳам воз кечилади.

ЯНА СУВ ТОШДИ



Австралияда яна сув тошқинлари бошланди. Мамлакат шарқидаги Тувумба шаҳри бутунлай сув остида қолган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, сув тошқинлари туфайли 8 нафар аҳоли ҳаётдан кўз юмди, 70 киши бедарак йўқолган. BBC хабарида таъкидланишича, бу сўнгги 50 йилдаги энг йирик сув тошқинидир.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафта ҳам мамлакатда шундай табиий офат юз берганди. Натижада зарар кўрган туманларда яшовчи аҳолига заҳарли илонлар, тимсоҳлар ва ўргимчаклар хавф солганди. Чунки бу жониворларнинг ин ва уялари сув остида қолгандан сўнг, улар аҳоли яшайдиган жойларга чиқиб келган.

Табиий офатдан жами 200 минг нафар аҳоли жабр кўрди. Иқтисодчилар тошқин мамлакат хазинасига миллиардлаб доллар зарар етказганини айтишмоқда.

СУДАНДА РЕФЕРЕНДУМ



Якшанба куни Суданда умумхалқ референдуми бошланган эди. Орадан ўтган уч кунда тадбирда қатнашиши керак бўлган аҳолининг ярмидан кўпи овоз бериб бўлди.

Референдумда аҳоли Жанубий Судан мамлакат таркибида қолиши керакми ёки йўқми, деган саволга жавоб бериши керак. Сиёсатчиларнинг айтишича, Судан жанубидаги аҳолининг кўпчилиги ажралиш тарафдори.

Судан давлати раҳбари Умар ал-Башир ҳам агар референдумда аҳоли ажралиш учун овоз берса, мамлакатнинг иккига бўлинишига қарши эмаслигини билдирди. Тадбир ҳафта охирида якунланиши лозим. Аммо унинг натижалари расман февраль ойида эълон қилинади.

Интернет хабарлари асосида Азиза ПРИМОВА тайёрлади.

Дунё матбуоти саҳифаларида

The New York Times (АҚШ)

ТЕЗДА ЖАВОБ ҚАЙТАРИЛДИ



Газетанинг ёзишича, кейинги пайтларда америкаликлар русларни танқид қилса, дарров руслар ҳам уларга жавоб қайтармоқда. Масалан, ўтган ҳафтада Москвада мухолифат раҳбарлари қамоққа олинганди. Шу муносабат билан сенаторлар — Жон Маккейн ва Жозеф Либерман баёнот билан чиқишди. Бу баёнотга жавоб узоқ кутилмади.

Россия Федерация Кенгаши халқаро ишлар бўйича қўмитаси бошлиғи Михаил Маргелов ва Давлат думаси депутати Алексей Островский чиқиш қилиб, АҚШлик сенаторларни бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмасликка чақирди. Маргеловнинг таъкидлашича, бундай қўллаб-қувватлашларнинг мухолифатдагиларга ҳеч қандай фойдаси йўқ.

«АҚШда ҳукумат тепасига Барак Обама келгач, муносабатлар илиқлашишига умид уйғонганди. Аммо бугун Вашингтон томонидан олиб борилаётган ҳаракатлар бекорга умид қилинганини кўрсатди», дея фикр билдирди Алексей Островский.

«The New York Times» мухбирининг таъкидлашича, бундай қарама-қарши чиқишлар охир-оқибат икки давлат ўртасидаги муносабатларга соя ташлаши мумкин.

Le Figaro (Франция)

САНОАТДАГИ ЖОСУСЛИК



«Le Figaro» мухбирининг ёзишича, «Renault» автоконцернининг юқори лавозимли раҳбарлари — Жана-Мишел Бальтазар, Бертран Рошетт ва Матье Тененбаум эгаллаб турган вазифаларидан озод этилди. Улар иккинчи авлод автомобиллари — электромобиллар ишлаб чиқаришдаги махфий маълумотларни хорижга чиқариб юборганликда айбланмоқда.

Концерн раҳбарияти масаланинг жуда жиддий эканлигини ҳисобга олиб, ишни судга ўтказишни режалаштириб турибди. Франция саноат вазири воқеани «иқтисодий уруш», деб баҳолади ва ҳар қандай шароитда ҳам корхоналар раҳбарларидан ишлаб чиқариш сирларини сақлашни талаб қилди.

Махфий ахборот 2012 йилда ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган электромобиллар учун мўлжалланган аккумлятор-батареялар ҳақидаги маълумотлардир. «Renault» вакиллари бу ахборот Хитойга етказилган, деган хулосада. Мазкур иш бўйича текширув олиб бораётган мамлакат махсус хизмати ходимлари ҳам излар «осмон ости мамлакати»га элтишини айтишмоқда.

Газетадаги мақолада қайд этилишича, жанжалга сабаб бўлган батареяларни ишлаб чиқаришга Renault-Nissan гуруҳи 4 миллиард евро маблағ сарфлаган.

Le Temps (Швейцария)

АЁЛ КЎЗ ЁШИНИНГ СЕҲРИ



Исроиллик олимлар аёлларнинг кўз ёши эркакларда тестостерон миқдорини камайтиришини аниқлашди. Бу ҳақда «Le Temps» мақола эълон қилди. Мақолада айтилишича, бу янгилик одам кўз ёши таркибида кимёвий компонентлар борлигини тасдиқлади.

Олимларнинг таъкилашича, «эмоционал» кўз ёши таркиби оддий кўз ёшлар таркибидан фарқ қилади. Бундай кўз ёши таркибида протеин миқдори оддий ёшдагига нисбатан 24 фоиз кўп.

Газета Вайзман институти нейробиологи Шани Гельштейннинг фикрларини келтириб ўтади. Олимнинг қайд этишича, кўз ёши аёллар учун ҳимоя вазифасини бажаради.

Financial Times Deutschland (Германия)

ЧАПМАН ЛАВОЗИМГА ИНТИЛЯПТИ



Ўтган йили жосусликда айбланиб, АҚШдан чиқариб юборилган Россия фуқароси Анна Чапман ҳақида «Financial Times Deutschland» газетасида мақола эълон қилинди. Муаллиф Вольфганг Юнгнинг таъкидлашича, собиқ жосус бош вазир ёрдамида юқорига интилмоқда.

Москвада Аннанинг номзоди жорий йилнинг кузида «Единая Россия» партияси томонидан Давлат думаси депутатлигига қўйилиши мумкинлиги ҳақида гаплар юрибди. Муаллифнинг тахминича, бу гап-сўзлар бекорга пайдо бўлгани йўқ. Масалан, сўнгги пайтларда Чапман бир нечта янги йил шоуларида қатнашди ва бу тадбирлар давлат телевидениесида кўрсатилди. Бу билан собиқ жосус кўп минг сонли томошабинлар эътиборига тушди.

Аннанинг депутат бўлишига бемалол ишониш мумкин, дейди мухбир. Чунки Думада собиқ жосус Андрей Луговой ҳам фаолият юритмоқда. Ваҳоланки, унга нисбатан Буюк Британия ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 2006 йилда КГБнинг собиқ ходими Александр Литвиненкони ўлдирганликда гумон қилиниб, қидирув эълон қилинган.

Die Presse (Австрия)

СОБИҚ ҲУКУМАТ ТАЗЙИҚДА

Украинада собиқ бош вазир Юлия Тимошенконинг сафдошларини таъқиб қилиш давом этмоқда. Шу йўл билан президент ўз мухолифлари билан ҳисоб-китоб қиляпти.

Газетанинг ёзишича, ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилганликда айбланиб судланиши кутилаётган Тимошенкодан ташқари, собиқ ички ишлар вазири Юрий Луценко ҳам тазйиққа учради. У ўтган йилнинг декабрида қамоққа олинган. Луценко давлат маблағини ўмариш ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилишда айбланяпти.

Мақола муаллифи Ютта Зоммербауэр шу ўринда Тимошенко ва Луценко бекорга айбланмаётганини айтиб ўтади. Улар «рангли инқилоб»нинг кўзга кўринган вакиллари эди, дейди Ютта.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» АК
«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz. E-mail: oao@post.uz

«ТУРОНБАНК» ОАТБ

TURON BANK

бунёдкор халқимиз ҳимоячилари — барча ҳарбийларимизни анъанавий байрам билан қизғин табриклайди

ва шу билан бирга миллий валютадаги янги «Янги йил» омонат турини таклиф этади.
Омонат тури учун депозитлар 2011 йил 15 январга қадар қабул қилинади.
Омонатларни асосий сақлаш муддати — 45 кун.
Бунаклар миқдори чегараланмаган.
Қисқа вақтда, ҳар ойда катта фоиз олиш мумкин.

«Туронбанк» очиқ турдаги акциядорлик тижорат банкида омонатларнинг 100 фоиз қайтарилиши давлат томонидан кафолатланади.
Банк фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларида банкларда фуқароларнинг омонатларини сақлаш, депозитларни ҳимоялаш ва жамғарма Фондлари тузиш чора-тадбирлари орқали кафолатлаш назарда тутилган.
Фонд банк тизими барқарорлигини таъминлайди, шунингдек, аҳоли омонатларининг қайтарилишига кафолат беради.

«Туронбанк» ўз омонатчиларига банк сирларини сақлашга, омонатга қўйилган пул маблағлари депозитлар муддати тугагандан сўнг вақтида қайтаришга кафолат беради.



Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Нурота туман ўқув спорт техника клуби жамоаси

барча юртдошларимизни, ҳарбийларимизни, сержант ва офицерларни 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни билан самимий табриклайди.



Матонатли одамлар

Ниҳоят, тонг отди

У хонага кириб келганида тун ўз шойи пардасини кўк гумбазига ёйган, бугунги учрашув уни анча толиқтирган эди. Курсига ўтираркан, кафтини иягига таяб, боягина бўлиб ўтган олқишу табрикларни, мақтовлар остида янграган қарсаклар садосини эслаб хаёлга чўмди. Сўнг девордаги суратларга бирма-бир разм солди ва ниғоҳи туйқус болалиги акс этган расмда тўхтади, чуқур хўрсинди. Унда кулиб турган болакайнинг кўзларида андуҳдан гард йўқ, табассумлари самимий ва табиий эди...



Ота-онасининг ишончи ва эркатойи бўлган Азизбек болалигида ерга урса кўкка сапчийдиган жудаям шўх-шодон бола эди. Ўртоқлари билан ўйнаб тўймас, айниқса, футболга қизиқиши баланд эди. Аммо..., кутилмаганда рўй берган ўша машъум автоҳалокат унинг барча орзу-ҳаваслларини чиппакка чиқарди.

Узоқ даволанишлардан кейин уйига бир оёғидан ажралиб қайтди. Аввалари ошналари олдига тушиб кетадиган Азизбек завқ-шавққа тўлиб ўйнаб юрган тенгдошларини хўрсиниш билан томоша қиладиган бўлиб қолди...

Шундай кунларнинг бирида отаси уни ўзи сингари ногирон болалар тўп сурадиган футбол жамоасига бошлаб келди. Бу ердаги болалар руҳан тетик, кайфиятлари чоғ эди. Азизбекнинг кўлини қатъият ва ишонч билан маҳкам сиққан мураббий Рустам Қориев унинг келажаги энди умуман бошқача бўлишини таъкидлаган дақиқаларданоқ ҳаёти ўзгача маъно касб эта бошлади. Энди у қўлтиқтаёқлаб мактабга, кейин машғулотга отланадиган, футболда билмаган сирларини, қизиқарли жиҳатларини кашф этадиган бўлди. Бу орада ўзи истагандек молия институтига ўқишга ҳам кирди.

Лавҳа

Шуни тан олиш керакки, Азизбек Абдураҳмоновга чин маънодаги шарафли ғалабаларни футбол келтирди. Ўн икки ёшида илк маротаба стадионга ўйинчи сифатида қадам ташлаган Азизбек биринчи муваффақиятини ўн олти ёшидаёқ қўлга киритди. Россияда бўлиб ўтган халқаро мусобақада эришилган ғалабадан сўнг футбол ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолганини дилдан ҳис этди. Шундан сўнг унга ва унинг жамоадошларига кетма-кет зафарлар ҳамроҳ бўлиб, 2010 йили Аргентинада ўтказилган ногирон-ампутантлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида навбатдаги ғолибликни қўлга киритди, юрт ифтихорига айланди.

...Ҳозир шуларни бирма-бир хаёлан кўз олдидан ўтказар экан, тун анча оғиб қолганини, самода юлдузлар сийраклашиб, уфқдан тонг ёриша бошлаганини кўрди. Девордаги суратлар ёнида осилган шода-шода медаллар, кубокларга разм соларкан, кўнглида ажиб бир равшанликни туйди. Дили равшан тортиб, ўрнидан турди, кийинди, рўпарадаги кўзгуга тикилди. Унинг чеҳраси алланечук ёруғ, кўзларидан қувонч, мамнуният балқарди. Кунчиқардан бош кўтараётган офтобнинг заррин нурлари унинг дилини янада ёритиб юборди. Деразадан ташқарида турли юмушлар билан кўчага чиққан одамларга қаради. Яқиндагина кириб келган янги йил уларга ўзгача шиддат, кўтаринкилик бағишлаган, ҳар ким янги режалар, мақсадлар сари отланган эди. Бугун у ҳам қадрдон терма жамоаси ва устозлари олдига бориши, навбатдаги мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўриши зарур. Шу лаҳзада иши, севган касби ва уни ардоқловчи яқинлари борлигидан дилдан шукроналик ҳис этди.

Эшик очилиб синглиси хонага кириб келди.

— Ака, юринг, телевизорда сизни кўрсатишяпти, дўстларингизни ҳам, — деди Дилноза.

Азизбек меҳмонхонага кирганида оила аъзолари энди нонуштага ўтиришган, барчалари ойнаи жаҳон қаршисида михланганди. Орқада, эшикка суяниб турган Азизбек эса матонатли фарзандининг ютуқларидан чексиз қувонч ва фахрга тўлган ота-онасини жимгина кузатар ва жилмаярди.

У шу он лаззатини ҳеч нарсага алмашгиси йўқ эди...

Наргиза АСАДОВА

Тиббиёт

Бош мақсад — она ва бола саломатлиги

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида бемисл ўзгаришлар рўй берди. Бу, аввало, баркамол авлодни дунёга келтириш ва соғлом она парваришида яққол кўзга ташланди.



Айни пайтда Президентимизнинг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорлари бу йўналишдаги фаолиятни амалга оширишнинг бош мезони бўлиб хизмат қилмоқда. Она ва бола соғлиғи муҳофазаси умуммиллий масалага айланиб бораётган бир жараёнда тиббиёт ходимлари томонидан туғруқ ёшидаги аёллар саломатлигини назорат қилиш, уларда кечадиган турли касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволаш борасида Янгибозор туман тиббиёт бирлашмаси ҳам самарали тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

— Ҳомиладор аёлларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиши касалликларни эрта аниқлаш ва даволашда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун бу масалага алоҳида эътибор беряпмиз, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Диларо Мадаминова. — Масалан, ўтган йили туғиш ёшидаги аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Улардан 11 минг 300 нафарида экстрагенитал касалликлар мавжудлиги аниқланиб, соғломлаштирилди.

Туманда туғиш ёшидаги аёллар ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб бориш йўлга қўйилган. Айни шу мақсадда марказий шифохонада “Оналар мактаби” ташкил этилган бўлиб, унга тажрибали шифокорлар, акушер-гинекологлар жалб этилган. Улар ёш оналар ва ўсмир қизларга чақалоқларни она сути билан парваришлаш, темир моддаси ва йод етишмовчилигини бартараф этиш, ўсмир қизлар гигиенаси, саломатликка хавф соладиган ҳомиладорликнинг олдини олиш борасида зарурий маслаҳатлар, тавсиялар бериб боришяпти.

Бундан ташқари, тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлимлар ва қишлоқ врачлик пунктлари томонидан таълим муассасаларида, маҳаллаларда фаоллар, ёш оналар иштирокида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилмоқда. Олиб борилаётган бу саъй-ҳаракатлар замирида битта — юртимиз келажагининг соғлом эгаларини дунёга келтириш ва вояга етказиш мақсади мужассам.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ,
журналист

Суратда: *тиббиёт бирлашмаси фаолиятидан лавҳа.*

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Китобхонлик

СЎЗ ЗАРГАРИ

Севимли ёзувчимиз Саид Аҳмад асарларини қўлга олганимизда, ҳеч қаерида туртинмасдан ўқиб чиқамиз. Адибнинг қалбини ўртаган, унга илҳом берган ҳаёт тасвири беихтиёр қалбимизга кўчади. Бу улуғ фазилат ёзган мақолалари, эсдаликлари, ёзувчи-шоирлар ҳақида битган ёдномаларида ҳам ўз аксини топган.


САИД АҲМАД САНЪАТИ

Китобхонлик халқимизга хос фазилат. Яхши китоб бўлса, ўқувчиси, албатта, топилади. Инсонда танлаш ва излаш ҳисси бор экан, китобхонлик давом этаверади. Бу ҳақдаги фикрлар, қарашлар хилма-хил. Сўнгги пайтда матбуотда айнан шу мавзуда турли фикр ва мулоҳазалар ифода этилаётгани бунга ёрқин мисол. Нима бўлганда ҳам мутолаанинг завқи ва шавқи бўлакча. Энг муҳими, шундан айирмасин.

Яқинда "O'zbekiston" нашриёти томонидан "Саид Аҳмад санъати" деб номланган янги китоб нашрдан чиқди. Ундан ўрин олган гоҳ маҳзун, гоҳ қувноқ хотиралар, сермазмун суҳбатлар, адиб асарларига ёзилган теран таҳлилий мақолалар ва кичик тадқиқотлар Саид Аҳмад ижодини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

Тўпламнинг "Ижод сирлари ва машаққатлари" деб номланган бобида ёзувчининг "Уфқ" романи алоҳида тилга олинади. Бу асарда, ёдингизда бўлса, уруш йилларидаги ўзбек қишлоғи ҳаёти тасвир этилган. Қаҳрамонлар қайғуси, қувончи, муҳаббати ишонарли тарзда ифодаланган. Лекин роман таҳлили бизни янаям кутилмаган хулосалар чиқаришга, ҳар бир сатр маъносини чақиб кўришга ундайди.

"Саид Аҳмад Ўзбекистон манзараларини ҳам, ўзбек миллий характерини ҳам шунчаки адиб кўзи билан эмас, зеҳни ўткир рассом кўзи билан кўради. Бунинг оқибатида ҳамма миллий ранглар жамики жилосини сақлаган ҳолда кўз ўнгимизда намоён бўлади ва бизни ошуфта этади, кўнглимизда ғурур уйғотади", деб ёзади ёдномаларнинг бирида адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов. Бу фикр-мулоҳазалар адибнинг ўзигагина хос бўлган хислатларни яна бир бор намоён этади.

Китобда Саид Аҳмаднинг драматик асарлари ҳақида ҳам ўқувчи учун янгилик бўлган қатор мулоҳазалар, таҳлиллар бор. Айниқса, унинг ҳаётдан олинган фактлар асосида ёзилган "Келинлар қўзғолони" пьесаси диққатга сазовор. Мунаққидлардан бири ушбу асар ҳақида фикр юритар экан, «Мен Саид Аҳмадни ҳаёт сабоқларидан дарс бераётган устозга қиёс қиламан. Гўё у ўз юмори билан одамларга: "Эй, биродарлар, мунча юракларинг тор бўлмаса, мунча сержарда бўлмасанглар, ахир сизларни хуноб қилаётган, кўнглингизга адоват солаётган нарсаларга бошқа жиҳатдан қараб кўринглар — улар бу ўтар дунёда ғоят арзимас нарсалар-ку! Феълингизни кенгроқ қилинг, ҳаёт мушкулотини кулги билан енгинг, донишмандроқ бўлинг!", деяётгандек бўлади", дейди. Бу таъриф адибнинг ҳажвияларида халқ аскиячилигига хос ҳақиқий кулги, кишини ўзига мафтун этадиган лутф борлигини англатади.

Китобнинг аксарият қисмини адибнинг ижод сирлари, ўзига хос услуби ва унинг ўзбек насрига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, эссе-хотиралар, суҳбатлар ташкил этади. Тўплам таниқли шоирларнинг адибга бағишланган шеър ва достонлари билан ниҳояланган.

Шу ўринда таниқли ёзувчимиз, марҳум Шукур Холмирзаевнинг Саид Аҳмад билан боғлиқ бўлган "Сабоқ" номли кичик ҳикоясини келтириб ўтиш ўринли бўларди:

* * *

...Сурхондарёда эдик. Сайроб қишлоғига кираверишда, совхоз идораси қошида "Газик"ни тўхтатдим.

— Чойхонасига борайлик, чойхонасига, — деди Саид Аҳмад ака.

— Ҳозир борамиз, — дедим.

Биз Қумқўрғондан келаётган эдик. Кун салқин. Ёмғир тинган эди.

Қарағайлар остидан ўтиб, идорага кирдим. Директор хонасиям очиғу, ҳеч зоғ йўқ.

Номер терадиган гирраги йўқ телефон трубкасини кўтардим.

— Алё, алё-о! — деди коммутатордан.

— Менга Омон ака керак.

— Омон ака йўқ-ку.

Мен қандай гаплашишни билардим.

— Топ! — дедим.

— Ҳозир, ака...

Бир неча дақиқадан кейин трубкадан Омон ака Тошматовнинг овози эшитилди:

— Ким ў-ў?

— Салом алайкум. Мен — Шукур, — дедим.

— Э, Шукурбой? Мундай... бир ёзувчи билан қидириб журипти, деб эшитаман. Жўнатдингизми?

— Йўқ. Мошинада ўтирипти.

— Берман опкелинг! Ҳозир. Эса хапа бўламан...

— Хўп.

"Газик"ка қайтдим...

Омон ака Тошматов — тоғдек киши сариқ беқасам чопонда, дарвозаси оғзига чиқиб турган экан.

Мен билан қучоқлашиб кўришаркан:

— Оти нима? — деб сўради.

— Саид Аҳмад.

Кейин у Саид Аҳмад билан қучоқлашиб кўришди. Ичкарига кирдик...

Фотиҳа ўқидик...

— Биз Шукурбойнинг отасини қўлига сув қўйиб жургич эдик... — деб тост айта бошлади Омон ака. — Шўўнда у киши район газетасининг редактири эди. Мана, ота касбини олиб денг, одам бўп қолди. Сиздай ёзувчи акаларини ияртиб журипти. Бунга раҳмат. Лекин раҳматнинг каттаси сизга ака!... — Омон ака менга зимдан қаради. "Саид Аҳмад" деб шивирладим. — Ҳа, раҳмат сизга, Саид Аҳмад ака!

Сўз айтиш гали Саид Аҳмад акага келди.

— Сиз Шукурни яхши билмас экансиз, — деб қолдилар. — Бу катта ёзувчи бўлиб қолди.

— Ёлғон, — дедим.

— Ҳа,– деди Омон ака.

— Ёзувчи — сиз!.. Биз сизнинг бирашураларингизни кўп ўқиганмиз. Мақола, китап... — Омон ака яна менга зимдан қаради.

Фалакнинг гардиши-да, теливезорда "Миниатюра томошаси" бошланган, экранда "САИД АҲМАД" ёзуви ёлқинланиб турарди.

Омон акага экранни кўрсатдим. У киши тикилиб қолди. Пичирлаб ўқиди. Кейин ўрнидан ирғиб туриб, ҳар иккала қўлини Саид Аҳмад акага узатди.

— Э, шў минатурачи сизми, а? А, мундай тушунтириб айтмайсизларми?.. Ака, минатураларингизни кўриб, тоза моз-за қиламиз!

Саид Аҳмад ака хижолатомуз кулимсираб турарди.

— Биласизми, Омон ака, — деди кейин. — ...Мана шу Шукурбойингиз минатураниям қотириб ташлайди. Мана шундай-шундай китоблар ёзаяпти...

— Жўғ-е, — деди Омон ака.

— Э, ишонмайсиз-да!

— Сизга ишанамиз-у...

— Ишонсангиз, шу! Бизни қўйинг... буни ҳурмат қилинг!

— Ҳа, энди, оталарининг қўлиға...

— *Э, ўзиям ота бўп қолди!*

Ҳозир бунинг шогирдлариям бор... Келинг, шу йигит учун ичайлик.

— Оббо, Шукурбой-е! — деди Омон ака ва пиёлани паққос бўшатди-да, туриб кетди.

— *Бир майдон гурунглашиб турингланг.*

У киши чиққач:

— Нега ундай дейсиз? — дедим Саид Аҳмад акага.

— Керак, болам, керак, – деди у киши. — ...Лекин мен бу одамнинг китоб ўқимаслигидан хафа бўлмайман. Хўжалик раҳбарларига маълум: вақти йўқ... Лекин қара, қандай кўнгли очиқ одам. Бундай одамлар ҳозир топилавермайди. Буларни қадрла.

— Майли-ю...

Омон ака қайтиб кирди.

— Оббо, бойсунлигим-ей, шўйтиб, ёзувчи бўп кетдик денг? Ўнда-мунда эшитиб жургич эдиг-у... Саид Аҳмад ака, сизларга раҳмат. Изларингдан журиб...

— Сизларга раҳмат! — деди Саид Аҳмад ака. — Шундай ёзувчини берганларинг учун!

Мен хўрсиндим.

— Эй, чини билан-а! — деб юборди Омон ака...

— Саид Аҳмад ака, етар, — дедим.

— Жим ўтир! — деб дўқ қилди у киши. — Нима, сал мақтасам мақтабман-да!

Кейин менга ўйчан тикилди.

— Биласанми, одатда энг яхши ёзувчиларниям фақат юртдошлари қадрламайди: олдингдан оққан сув... у ёғини сўрасанг, мен бу нарсани устозларимдан ўрганганман. Улар менинг боримни, йўғимни яшириб, йўлга солган, десам бўлади.

— Лекин улар ҳам баъзиларга...

— Ана "ўша"дан сабоқ олишган-да! — яна дўқ қилди Саид Аҳмад ака. — Сен учун ҳам сабоқ бўлсин. Қўмқўрғонда бир мақол эшитдим: "Бўлар элнинг боласи бир-бирини ботир дер". Қандоқ яхши! Ёзиб қўй!..

... Эртаси Бухорода ёзувчи Аҳаджон Ҳасаннинг уйида бўлдик. У киши район раҳбарларидан ҳам чақирган экан. Гап-гуринг орасида райкомнинг биринчи котиби:

— Энди-и, Сайдамат ака, сиз... расказ ёзасиз. Расказчик. Ғафур Ғулом — шоир, — деди. — Ойбек роман ёзган. Демак, у киши романтик, а?

Мен бошимни хам қилдим.

Саид Аҳмад ака оёғимни босиб қўйиб:

— Жуда тўғри айтдингиз, — деди. — Лекин мана бу Аҳаджон Ҳасанингиз ҳам ёзувчи, ҳам романтик, ҳам шоир!

Давра аҳли Аҳаджон акага ҳайратланиб қаради.

Аҳаджон ака...

Адиба УМИРОВА тайёрлади

АВЛОДЛАР ЗИММАСИДАГИ ТАЪРИФ

«Амир соҳибқирон ер юзида монанди йўқ сиймодурлар, анинг таърифини қилмоқ биз эрмас, иншоолоҳ, келажак авлодлар зиммасига тушадур».

«Улуғ салтанат» романининг учинчи — «Мироншоҳ Мирзо» китобида шундай эпизод тасвирланади. Тўхтамишхон билан бўладиган жанг арафасида Амир Темурнинг набираси — Муҳаммад Султон ўз кўрган-билганларини ёзиб юрадиган дафтарига бобоси ҳақида юқоридаги сўзларни битиб қўяди. Шаҳзода ҳақиқатан ҳам кундалик тутганми ёки бу гаплар бадиий тўқимами, буниси муҳим эмас. Муҳими шуки, Амир Темур сиймосининг таърифи келажак авлодлар зиммасига тушди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» романи, хусусан, унинг яқинда нашрдан чиққан учинчи китоби шу жиҳатлари билан эътиборга моликдир.

Биламизки, «Улуғ салтанат» романининг биринчи китоби соҳибқироннинг тўнғич ўғли исми билан «Жаҳонгир Мирзо», иккинчиси «Умаршайх Мирзо» деб аталган эди. Учинчи китобга «Мироншоҳ Мирзо» деган ном берилган. Мироншоҳ Мирзо — отаси Амир Темур асос солган салтанат давомчиларидан бири. Демак, салтанатда рўй берадиган ҳар бир воқеа унинг ҳаётида акс этади. Шунингдек, Мироншоҳнинг ҳар бир иши, хатти-ҳаракати салтанат ҳаётига таъсир қилади.

Романда шаҳзоданинг ҳаёти 26 ёшлик пайтидан бошлаб тасвирланган. Мироншоҳ Мирзо масъуд кунларни бошидан кечираётган, отаси унга ишониб, анча масъулиятли вазифани Султония шаҳрини қўлдан чиқармасликни топширган пайтлар. Қолаверса, уни Хоразм маликаси Хонзода хонимга уйлантирган. Шунинг учун Мироншоҳ Мирзо ўзини «кўрагон» деб ҳисоблаб, ғурурланади. «Отам Хонзода хонимни акамга олиб берса муносиб эди. Лекин соҳибқирон мени афзал кўрди. Демак, мени жуда ардоқлайди», деб ўйлайди. Энди назарида Турон тахти унга янаям яқин.

Лекин худди шу ерда воқеалар ҳам, Мироншоҳ Мирзонинг ҳаёти ҳам кескин ўзгаради. Чунки соҳибқирон Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Муҳаммад Султонни тахтга ворис деб эълон қилади. Нима учун ўғилларни эмас, набирани тахтга муносиб кўрдингиз, деб соҳибқирондан ҳеч ким сўрай олмайди. Китоб ниш оддий навкарнинг руҳи ҳаққига дуо қилган Амир Темур билан солиштириб кўринг!

Романни ўқиб борганимиз сари Тўхтамишхонга, соҳибқирон билан бўлган жангда енгилиб, охир-оқибат аянчли ўлим топган Шоҳ Мансурга нисбатан юрагимизда ачиниш, куюниш каби ҳислар уйғона бошлайди. Мантиқ гўёки бу тўғри эмас, дегандек. Аммо шу ўринда бошқа бир жиҳатни унутмаслик лозим. У ҳам бўлса, Амир Темур билан очиқ жангга кирган саркардалар образини яратишда мезон вазифасини ўтайдиган, ёзувчи уларга зид иш кўра олмайдиган бошқа бир қанча мантиқий мулоҳазалардир. Яъни, бу ўринда яна соҳибқирон бобомизнинг дунёқараши, унинг ўз мухолифларига бўлган муносабатидан келиб иш тутишидир. Амир Темур ўзини жанг майдонида кўрсатишга журъат этганларга, уларга, ҳатто ўзига душман бўлса ҳам, ҳеч қачон беписанд муносабатда бўлмаган. Шундай экан, Тўхтамишхон ёки Шоҳ Мансур образини яратишда қора бўёқни асоссиз равишда кўпайтириб юборишга ҳақимиз борми? Муҳаммад Али, назаримда, айнан мана шу мантиқ асосида иш кўргани учун ҳам тарихий сиймолар образини яратишда холислик сақлаб қолинган. Бу эса тарихий мавзуда асар яратишдаги энг нозик жиҳатдир.

«Улуғ салтанат» романи бадиий асар. Демак, унда адиб назаридаги сиймо билан муаррихлар битган китобларда тавсиф этилган шахс ўртасида айнан ўхшашлик бўлиши мумкин эмас. Романдаги соҳибқирон образи муаллиф бош қаҳрамонга қандай нигоҳ билан қарагани, уни қандай тасаввур қилгани маҳсулидир. «Улуғ салтанат»ни ўқиган китобхон Амир Темурни фарзандлари тақдиридан тўла тинчий олмаган, шу билан бир вақтда юртнинг эртанги куни фаровон бўлиши йўлида минг тадбирни кам кўриб, минг биринчисини излаган, интилишдан чарчамаган бир одам сифатида тасаввур қилса, бу ёзувчи соҳибқиронни мана шундай инсон дея қабул қилгани, китобхонни ҳам шунга ишонтира олганидан далолат беради.

Албатта, ҳар бир катта асар, аввало, ёзувчи кўнглида туғилган ният маҳсулидир. Мустақиллик даври адабиётида тарихий мавзуларда, айниқса, биз ифтихор қиладиган аждодларимиз ҳаёти ва амалларидан ҳикоя қилувчи асарлар кўплаб ёзила бошланган бир даврда соҳибқирон Амир Темур ҳақида йирик, эпопея тарзидаги роман ёзиш, ёзганда ҳам адабиётимизда ҳақиқий ҳодиса бўладиган, ўқувчилар йигирма йил, эллик йил, балки ундан кейин ҳам қўлига оладиган дилогия, трилогия, балки тетралогия яратиш зарурати пайдо бўлган эдики, бу ишни кимдир бор масъулияти билан ўз зиммасига олиши керак эди. «Улуғ салтанат» мана шундай маънавий бир ташналикни қондириш орзуси ва ёзувчи кўнглидаги ният уйғунлашувидан бунёд бўлгани учун ҳам аҳамиятлидир.

Роман сўнггида «Учинчи китоб тугади» дея қайд қилинади. Демак, «Улуғ салтанат» романининг тўртинчи китоби ҳам ёзилади.

Рисолат ҲАЙДАРОВА, журналист

Сарчашма

«Сўзда керак маънию маънида завқ»

Улуғлигинг ошса агар хушхулқ бўлгил.
Маҳмуд Қошғарий

Киши икки нарса туфайли қаримайди,
Бири — эзгу хулқи, бири — эзгу сўзи.

Кишилар ёвузи — бу эзма кишидир,
Кишиларнинг қадрлиси — саховатли кишидир.
Юсуф Хос Ҳожиб

Кимда ким манман деб, ўзини баланд тутса,
Уни на халқ, на тангри севади.

Атлас кийсанг, бўз кўйлагингни унутма.
Аҳмад Югнакий

Ҳар киши нокас билан ҳамкосадур,
Минг шарофатни касофат босадур.
Машраб

Сўзда керак маънию маънода завқ,
Сўзлагучида сўз учун дарду шавқ.
Ҳайдар Хоразмий

Тўпловчи: **Ҳамиджон ҲОМИДОВ**



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг! Телефон: (8 371) 233-57-47, Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

Дунё тамаддуни

Да Винчининг армони

Ўз илми ва салоҳияти билан замондошларидан бир неча асрга илгарилаб кетган, уйғониш даврининг буюк вакили Леонардо да Винчи (1452-1519) нафақат тенги йўқ рассом ва ҳайкалтарош, балки математика, жисмларнинг ҳаракатланиш қонунлари, анатомия, ёруғликнинг табиати, сайёралар ҳаракати, Ернинг ўтмиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини пухта тадқиқ этган буюк олим ҳам эди. Аммо бу даҳо шахс тўғрисида билганларимиздан билмаганимиз кўпроқ.

Леонардо Италиянинг Флоренция ва Пиза шаҳарлари орасидаги Анкиано қишлоғида дунёга келди. Унинг отаси Перо да Винчи нотариус бўлиб, бадавлат аслзодалардан эди. Онаси Катерина эса оддий деҳқон қизи бўлган. Леонардо болалик чоғиданоқ иштиёқ билан меҳнат қилишга одатланди. 14 ёшидан бошлаб машҳур флоренциялик ҳайкалтарош ва рассом Андреа Вероккодан таълим ола бошлади. Ёш рассомнинг биринчи мустақил ишларидан бири — «Гул ушлаган Мадонна» («Бенуа Мадоннаси», 1478 йил) асаридир. Манбаларда ёзилишича, Верокко ёшгина шогирдининг маҳоратига тан бериб, ўзи сурат чизишдан бутунлай воз кечган ва фақат ҳайкалтарошлик билан шуғулланган экан.

Леонардо ҳар бир асари устида қунт билан ишлар, гўё унинг учун ўтаётган вақтнинг аҳамияти йўқдек эди. Бу унга берилган буюртмаларнинг баъзан вақтида тугалланмаслигига сабаб бўлар, буюртмачи билан низолар келиб чиқар эди. 1481 йилда мусаввирнинг Флоренциядаги Сан-Донато монастридан олган буюртмаси «Сеҳргар таъзими» ҳам, «Авлиё Иероним» асари ҳам ярим тугал ҳолатда қолишига худди шу нарса сабаб бўлган.



Леонардо ўттиз ёшида тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликда катта ютуқларга эришиш билан биргаликда етук ҳарбий инженер, меъмор, муҳандис ҳамда гидротехник сифатида ҳам намоён бўлди. Леонардо Милан герцоги Людовико Моронинг муҳандислар жамоасига қабул қилинади ва ҳаётининг кейинги — даврини Миланда, герцог саройида ўтказади. Бу ерда унинг ижоди ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди. «Бахт — қунт билан кўп меҳнат қилган кишига келади», — деб айтарди Леонардо. Шунинг учун ҳам барча соҳада ўзини синаб кўрган да Винчи ҳеч қайсисида ҳаваскор бўлиб қолмади.

Замондошлари унга муҳандислиги учун юксак баҳо берардилар: унинг лойиҳасига биноан Милан шаҳрини ичимлик суви билан таъминлайдиган катта канал қурилган эди. Айнан ўша даврдаёқ Леонардо анатомия билан қизиқиб қолди. Миланда у машҳур олим Марко Антонио делла Торре билан танишади ва унинг анатомик атласи учун бир нечта кўргазмали расмлар чизади. Ҳайратланарлиси шуки, у чизган расмларда инсон танасининг кичик қисмлари ҳам жуда аниқлик билан тасвирланган эди.

Леонардо да Винчи фан ёрдамида кишилар меҳнатини енгиллаштиришни орзу қиларди. Унинг механика ва бошқа бир қатор соҳаларда амалга оширган кашфиётлари худди бетакрор суратлари каби юксак эътирофга лойиқ. Бизгача олимнинг ёзувлар, чизмалар ва расмлар билан ифодаланган 7000 вараққа яқин ижод намуналари етиб келган. Унда Леонардонинг кўплаб кашфиётларини — тўқимачилик ва тўқимачилик дастгоҳларининг ҳам, ип йигириш чархининг ҳам, сув ёрдамида ишга тушириш мумкин бўлган тегирмоннинг ҳам, ер ковлагич машинанинг ҳам, турбиналар ва юк кўтаргич асбобларнинг ҳам чизма ва расмларини кўриш мумкин.

Олим Милан даврида фанда катта ютуқларни қўлга киритган бўлса-да, бу нарса унинг диққатини тасвирий санъатдан чалғита олмаган. Бу ерда «Мадонна Литта», «Қоядаги Мадонна» суратларини чизади. «Махфий кеча» сурати (1495-1497 йиллар)нинг яралиш тарихи эса жуда қизиқ бўлган. «Сант Мария делла Гратсийе» монастри учун чизилган Мусаввирга ушбу асарни яратиш машаққатлардан ҳоли



бўлмади. «Махфий кеча» деворий суратини яратаётган пайтида Леонардо да Винчи идеал андозаларни узоқ вақт излади. Леонардо ишни кўп марта тўхтатиб қўйиб, натуршикларни ахтарди. Бир куни черков хорини тинглаётиб, ёш қўшиқчилар орасида Исонинг мукаммал тимсолини учратиб қолди ва уни устахонага таклиф этиб, бир қанча хомаки суратлар чизди.

Орадан яна уч йил ўтди. Асар деярли якунланган, аммо Леонардо Иудага мос келувчи «натуршик»ни ҳалиям тополмаганди. Бош черковнинг безаги учун масъул бўлган кардинал Леонардони шоширар, суратни тезроқ тугаллашни талаб қиларди. Ниҳоят, узоқ изланишлардан сўнг рассом ариқда думалаб ётган ёш, аммо барвақт қариган, ифлос, маст, жулдур кийимли бир одамга дуч келади. Хомаки сурат чизишга фурсат йўқ эди, Леонардо ёрдамчиларига уни черковга келтиришларини буюрди. Дайди-саёқни бир амаллаб судраб келишди. Бу одам нималар бўлаётганини, қаерда эканлигини билмас, Леонардо эса гуноҳларга ботган инсоннинг юз қиёфасини матога кўчирарди. Мусаввир ишини тугатганида у ҳам ўзига келади ва суратга яқинлашиб:

— Мен бу картинани аввал ҳам кўрганман! — деб юборади.

— Қачон? — ҳайратланиб сўрайди Леонардо.

— Уч йил бурун, ҳамма нарсадан айрилмасимдан аввал. У пайтлари хорда қўшиқ айтардим, ҳаётим орзуларга тўла эди. Ўшанда бир рассом менга қараб Исони тасвирлаган эди...



1499 йилда француз қўшинлари Миланни босиб олади. Шаҳар буткул вайрон қилинади. Аммо Венеция ҳам уруш ҳолатида турарди. Олим қандай бўлмасин, душманни мағлуб этиб, Венеция озодлиги ва тинчлигини сақлаб қолиш тўғрисида бош қотирарди. Ниҳоят, Леонардо қай йўсинда душман қўшинини мағлуб этиш йўлини топди. У сувдан душманга ҳамла (ҳужум) қилиш стратегиясини тузиб чиқди. Бунинг учун Леонардо сув ўтмайдиган теридан тайёрланувчи ғаввослик кийими ҳамда сув ости кемаси лойиҳасини яратди. Леонардонинг ғаввоси нафас олиш учун ҳаво билан тўлдирилган катта кўкрак чўнтаги ва эгилувчан найча билан таъминланган эди. Бироқ, кашфиёт яна кашфиётлигича қолиб кетади. Чунки, Леонардо бу кашфиётидан инсоният ғаразли мақсадларда ҳам фойдаланиши мумкинлигини билгани ҳолда уни оммага эълон қилмасликка қарор қилади.

1503 йилнинг 5 мартида у Венециядан Флоренцияга, Республиканинг Пизага қарши уруши туфайли унинг ёрдамига эҳтиёж сезган гонфалонер Содерининг ҳузурига келади. 20 йилдан сўнг яна ўз она шаҳрига келган Леонардо бу ерда ўзининг ижод намуналарини жиддий илмий ишлар билан уйғунлаштиради. Айнан шу йили дунёга маълум ва машҳур «Мона Лиза» («Жаконда») асари дунёга келди. Суратда ёш аёлнинг ички дунёси, кечинмалари ва кайфияти ажойиб, сирли тарзда акс эттирилган. Бизга ёш аёл миийғида кулиб, сокин ва ўйчан боқиб турибди. Кўз олдингизда юз қиёфаси ўзгараётгандек бўлиб кўринади: унда гоҳо хаёлчанлик, гоҳ сирли истеҳзо, гоҳо эса ғамгинлик намоён бўлади. Кенг, очиқ пешонаси, салгина қисиқ кўзлари, елкасидан пастга тушиб турган силлиқ сочлари, танасининг ҳайрон қоларли равишда бир текисдалиги табиий кўринади. Леонардо асарда кимнинг суратини чизганлиги тўғрисида ягона фикр йўқ. Кўпчилик бу суратда флоренциялик бадавлат инсон Франческо Жакондaнинг хотини тасвирланган деб тахмин қилишади. Машҳур психолог олим Фрейд эса Леонардо бу портретда ўз онаси ҳақидаги хотираларни мужассамлаштирган, деб фараз қилади. Бу ўзининг сурати дегувчилар ҳам йўқ эмас. Шуниси аниққи, асар бировнинг буюртмаси асосида чизилмаган. Агар шундай бўлганида рассом суратни, албатта, ўз эгасига топширган бўлар эди. Леонардо бу асарини жуда қадрлар, шахсий ва бебаҳо мулки сифатида доим ўзи билан олиб юрарди. «Менга чиндан-да илоҳий суратни яратиш насиб этди», — дея ўз асарига баҳо беради буюк мусаввир. Ҳозир мазкур асар Франциядаги Лувр музейида сақланмоқда.

Флоренцияда мусаввир буюк асарлар яратиш билан бирга ўша даврда одамзотнинг тушига ҳам кирмаган кашфиётлар қилди. Леонардонинг бу ерда чизган чизмаларини кўра туриб, ҳақиқатдан ҳам у ўрта аср одамларидан жудаям фарқ қилгани, дунёқараши кенг, ғайритабиий инсон эканлигига яна бир бор амин бўламиз.

Леонардо қушлар парвозини диққат билан кузатади ва уларнинг учиш схемасини тузиб чиқади. Агарда инсонда катта қанотлар бўлса ҳамда улар ёрдамида ҳаракатлана олса, у ҳам осмонда учиши мумкинлиги тўғрисида ўйлай бошлайди. Тинимсиз изланишлари натижасида бу фикрини математик ҳисоб-китоблар билан исботлайди. Лекин Леонардо осмон узра қилинажак парвозини нима сабабдан «кечиктиргани» тўғрисида аниқ бир хулосага келинмаган. Ушбу кашфиёт ҳам бошқалари каби фақатгина қоғозларда қолиб кетган.

1506 йилнинг баҳорида Леонардо яна Миланга кетади ва у ерда 1513 йилгача қолади. У ҳамон илмий масалалар билан қизиқиб, тасвирий санъатни фан билан бирга олиб боради. 1508-1512 йилларда Леонардо маршал Тривулсио ҳайкали устида ишлайди.

1513 йилда Жулио Медичи Леонардони Римга чақиради ва бу ерда 1517 йилгача бўлади. Шундан сўнг Франция қироли Франциск I нинг таклифи билан Францияга келади. Франциск I Леонардони жуда қадрлар эди ва унинг учун Амбуаза шаҳри яқинидаги Кло Люсе қасрини олиб беради. Бу даврда Леонардо асосий диққатини механика ва чизмаларга қаратган. Айнан Кло Люсе қасрида у ўзининг тасвирий санъатга оид китобини ёзади.

Леонардо да Винчи 1519 йил 2 майда 67 ёшида вафот этди. Лекин у вақтни ўзига бўйсундирган олим эди. Вақтдан унумли фойдаланиш учун у ҳар 4 соатда 15 дақиқадан ухларди. Шу тарзда кундалик 8 соат уйқуни жами 1,5 соатга олиб келган. Натижада даҳо уйқу вақтининг бир йўла 75 фоизини тежаб қолган, бу эса унинг умрини амалда 67 ёшдан 100 ёшгача узайтирди. Айтишларича, у ўлими арафасида ёнида бўлган Франциск I га умрида ниҳоятда кам иш қилгани учун одамлардан ҳамда Парвардигордан кечирим сўраган экан.

Шербек ЁДГОРОВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси

Осиё кубоги-2011

ХАЙРИЯТ, ЯХШИ БОШЛАДИК

Шу кунларда Қатар стадионларида қитъамизнинг ўн олти мамлакати миллий терма жамоалари футбол бўйича XV Осиё кубоги мусобақасида ғолиблик учун куч синашмоқда. Ҳозиргача барча гуруҳларда дастлабки тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Хайриятки, мусобақа арафасидаги хавотирларимиз тарқатлди. Чемпионатнинг очилиш учрашувида мезбонларга қарши майдонга тушган вакилларимиз ишончли ғалабага эришиб, уч очкога эга бўлди.

Энди ўйин ҳақида тўхталсак. Кутилганидек, беллашувнинг дастлабки 5-6 дақиқаси мезбонлар устунлигида ўтди. Аммо футболчиларимиз тезда учрашув тизгинини ўз қўлларига олишди. Натижада рақиб дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазиятларни содир этишди. Ана шундай ҳужумлардан бири голга айланиши мумкин эди, бироқ терма жамоамиз аъзоси Александр Гейнрих томонидан йўлланган зарба йўлига дарвоза тўсини ғов бўлди. Бундан ташқари, вакилларимизда ўйинда ҳисобни очиш учун яна қатор имкониятлар бўлса-да улардан фойдалана олишмади. Шу тариқа биринчи бўлимда ҳисоб очилмади.

Иккинчи бўлимда устунликни сақлаб қолган вакилларимиз икки марта рақиб дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлди. Кейинги йилларда мамлакатимизда энг яхши футболчилардан бири дея эътироф этилаётган Одил Аҳмедов учрашувнинг 58-дақиқасида чамаси 33 метрлардан аниқ зарба йўллаб, Ўзбекистон терма жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. 77-дақиқага келиб эса яна бир маҳоратли футболчимиз — Сервер Жепаров рақиб ҳимоясидаги хатодан унумли фойдаланди.

"А" гуруҳидаги иккинчи учрашув Хитой ва Кувайт терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Кескин курашларга бой бўлган мазкур беллашувда чин юрти вакиллари 2:0 ҳисобида зафар қучди.

Шунингдек, "В", "С" ва "D" гуруҳларида ҳам биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Қуйида мазкур ўйинларнинг натижалари билан танишинг:

"В" гуруҳи: Япония — Иордания 1:1, Саудия Арабистони — Сурия 1:2;

"С" гуруҳи: Ҳиндистон — Австралия 0:4, Жанубий Корея — Баҳрайн 2:1

"D" гуруҳи: КХДР — БАА 0:0.

(Ироқ — Эрон жамоалари ўртасидаги учрашув кеча бўлиб ўтди).

Иккинчи тур учрашувлари бугун бўлиб ўтиши режалаштирилган. Тошкент вақти билан соат 18^{15} дан бошлаб ўзбекистонлик футболчилар кувайтликларга қарши майдонга тушса, соат 21^{15} да Қатар ҳамда Хитой терма жамоалари учрашувига старт берилади.

Азим РЎЗИЕВ



КУЛГИ БЕКАТИ

Тасвирий санъат кўргазмасида.

Танқидчи:

— Агар мана бу сурат асар бўлса, мен ахмоқман!

Мусаввир:

— Бу — асар.

✦✦✦

— Янги директор қалай? Ишласа бўладими?

— Ажойиб одам. У билан умуман ишламаса ҳам бўлади.

✦✦✦

Она ўғлидан сўраяпти:

— Даданг олиб берган ҳамма ўйинчоқларингни синдирдингми?

— Йўқ, ойи, ҳаммасини эмас. Болғача қолди.

✦✦✦

Хотини:

— Доктор менга саёҳат буюрди. Қаёққа борамиз?

Эри:

— Бошқа докторга.

✦✦✦

Бир йигитнинг хотини ва қайнонаси зулм қилавериб, жонидан тўйдирибди. Ўртоғига шикоят қилган экан, «Яна зулм бошлашса, столни муштлагин-да, бу уйда ким хўжайин? — деб бақиргин», — дея маслаҳат берибти. Эртасига йигит уйида жанжал бошланиши билан шундай қилипти ва «Бу уйда ким хўжайин?» дея бақирипти.

Хотини секин ўрнидан туриб, таҳдид билан:

— Ни-ма-а? дебди.

Қайнонаси ҳам пўписа оҳангида:

— Ни-ма-а? дебди.

Йигит бўйнини қисиб, ингичка овозда жавоб берибти:

— Нима, сўраб ҳам бўлмайдими?

Лобар РАҲИМЖОНОВА тайёрлади

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. *ISSN* 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@mail.ru

Таҳририятга келган хатларга ўзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — 8-375-357-75-10
Сурхондарё — 8-376-369-30-59
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33
Навоий — 8-436-748-63-11

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: **Иномжон АБДИЕВ**

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.10

Ⓡ — тижорат белгиси.

Адади: 8835 Буюртма — Г-126 1 2 3 4 5